ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН ДОМЛАЛАР
«Ҳомий»лари ёрдамида бир амаллаб университетни тугатиб чиққан талаба етук кадр бўлишига ким кафолат беради? 4 бет

АДИБНИНГ НИГОҲИ
Тан олиш керак. «Шайтанат» Тоҳир акани жуда машҳур қилиб юборди. Уни адабиётимизнинг энг пешқадам намояндаларидан бирига айлантирди. 6 бет

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ
– Нима қил, нима қил? Ўзингизда калла йўқми? Ўзини эпломай қолган отангизни қариялар уйига олиб боринг. Бошқа йўли йўқ. Акс ҳолда сиз билан ажрашаман. 11 бет

ИБЛИСНИНГ ҲАЛОКАТИ
Бугун чумолига озор етказган бола эртага ёнидаги одамларга нисбатан меҳрсизлик қилса ажабланиш ноўрин. Меҳрсизлик бор жойда эса ёмонлик иллатлари уруғийди. 14 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 4-yanvar, № 01 (522)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Республика Бош прокуратурасида

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Бош прокуратурасида Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари, Марказий банк ва республика тижорат банклари раҳбарлари иштирокида идоралараро йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижро этиш борасида Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган қонунбузилишлар муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан идоравий назорат бўшаштириб юборилганлиги оқибатида айрим мансабдор ва моддий жавобгар шахслар иш ҳақи, мукофот ва моддий ёрдам учун ажратилган маблағларни талон-тарож қилганликлари таъкидланди. Ходимларнинг розилигисиз иш ҳақлари коммунал ва бошқа тўловлар учун ушлаб қолинганлиги, айрим тижорат банклари иш ҳақларини ўз вақтида нақд пул билан таъминламаганлиги кўрсатиб ўтилди.

2006 йилнинг 11 ойида мазкур тизимларнинг мансабдорлари томонидан 315,2 млн. сўмлик иш ҳақи талон-тарож қилинган. Биргина Қорақалпоғистон халқ таълими муассасаларида 194 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақи ўзлаштирилган.

Тиббиёт ва халқ таълими ходимларини моддий рағбатлантириш, иш ҳақи ва директор фондларига бюджетдан молиялаштирилиб берилган маблағлардан 332 млн. сўми ноқонуний тўланган.

Прокуратура органлари томонидан соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимларида ўтказилган текшириш натижаси бўйича 3491 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган. 95 млн. сўмликка яқин зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашган. Мансабдор шахсларга нисбатан 200 та жиноят иши қўзғатилган.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Хоразм ва Жиззах вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари, Наманган, Хоразм ва Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда «Халқ банки» ва «Пахтабанк» раҳбарлари тушунтириш бердилар.

Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари раҳбарлари соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мутасадди вазирликлар томонидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва иш ҳақи учун бюджетдан ажратилган маблағларнинг қонуний сарфланиши, шу соҳага доир қарорлар ижроси устидан назоратни кучайтириш борасида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ўзбекистон Бош прокуратураси матбуот хизмати



Қиш забтига олмоқда...

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Инсон қалби ўксинмасин

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши, энг аввало, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатини ҳар томонлама ҳимоялаш ишлари янада кенгроқ кўлам касб этишини англатади.

Сурхондарё вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан унинг муассислигидаги «Адолат тарозиси» газетаси ҳомийлигида Термиз шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи бир қанча ногиронлар, кам таъминланган кўп болали оилаларга иссиқ кийим, дори-дармон, озиқ-овқатдан иборат совға-саломлар топширилди. Совғаларни топшириш асосида вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Ш.Сафаров, вилоят прокурорининг катта ёрдамчилари М.Маматмуродов, К.Муҳаммадиев, «Адолат тарозиси» газетаси бош муҳаррири М.Абдурахмоновлар хонадонларга бориб, юртдошларини янги йил билан қутладилар.

Саида ЭШМУРОДОВА, «Адолат тарозиси» газетаси муҳаррири

Парламентда

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мамлакатимизнинг жиноят қонунчилиги қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократия, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари билан бир қаторда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига ҳам асосланади.

Жиноий жазодан озод қилиш тури сифатида шартли ҳукм қилишни қўллаш мумкинлиги Жиноят кодексининг 72-моддасида назарда тутилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий жазодан озод қилишнинг тури сифатида шартли ҳукм қилишни қўллашнинг қай даражада самара бераётганлиги масаласи муҳокама қилинди.

Жиноят кодексида агар суд жазони тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам айбдорнинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкинлиги кўрсатилган.

Йиғилишда судлар жазо тайинлашда одиллик ва инсонпарварлик принципларидан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилишни қўллашга алоҳида эътибор қаратиб келаётганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, судлар томонидан 2004 — 2005 йиллар ва 2006 йилнинг 9 ойи давомида судланган шахсларнинг 11 фоизига нисбатан шартли ҳукм қўлланган.

Шу билан бирга, шартли ҳукм қилишга қаратилган қонунлар ижросининг самарадорлигини ошириш борасида ҳали кўп иш қилиш лозимлиги айтиб ўтилди. Жиноят ишлари бўйича судлар шартли ҳукм чиқаришида маҳкумлар зиммасига қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни юклашига алоҳида эътибор қаратиши, чиқарилган ҳукмлар сифатини янада ошириш шарт.

Шартли ҳукм қилинганлар томонидан қайта жиноят содир этилиши, бундай шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм бекор қилиниб, тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариш ҳоллари мавжуд. Бунга эса ички ишлар идораларининг жазони ижро этиш инспекциялари етарли назорат олиб бормаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Сўзга чиққанлар жиноий жазодан озод қилиш тури сифатида Жиноят кодексида назарда тутилган шартли ҳукм қилишнинг мақбулроқ йўлларини излаб топиш, бу борадаги қонунлар ижроси самарадорлигини янада ошириш ҳақидаги мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Қонунчилик палатасининг депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

Қадрли муштарийлар!

Мана, янги 2007 йилда ҳам «Huquq» билан дийдорлашиб турибсиз. Таҳририят ўз ғаъаналарига содиқ қолган ҳолда йил давомида сизларнинг эътиборингизга прокуратура фаолиятига оид материаллар, қизиқарли суд очерклари, таҳлилий мақолалар, турли касб эгалари билан суҳбатлар, детектив қисса ва ҳикояларни ҳавола этишни режалаштирган.

Яна бир янгилик шуки, муштарийларнинг талабларини инобатга олиб, газета саҳифаларида Ўзбекистон ва Россия телеканалларининг дастурлари бериб борилади.

Бу йилдан бошлаб «Huquq» газетаси ҳафтанинг пайшанба кунлари чоп этилади.

Нашр индексимиз: — 231

Сўнгги пушаймон

Зубайдулло Абдуллаевнинг сочи халқ таълими тизимида оқарган. У эл таниган, ҳурмат қилган педагог, ходимлар иззатини жойига қўядиган раҳбар эди. З.Абдуллаевни таниган-билганлар унинг мансабини суиистеъмол қилганини эшитиб, қулоқларига ишонмаган бўлишса керак. Бироқ бу ҳақиқат.

З.Абдуллаев 2000 йил апрел ойидан 2005 йил июн ойига қадар Когон туман халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлади. Аммо бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, давлат мулкига кўз олайтирди. Оқибатда эса...

З.Абдуллаев ўз айбига иқрор бўлиб судда шундай деди: «...бош ҳисобчи Ш.Исомиддинова билан жиноий тил бириктирмаганман. Шофиркон туманидаги Солиев Нурмат деҳқон хўжалигига озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун 1.000.000 сўм кўчирилган эди. Аммо ўз вақтида назорат қилинмаганлиги учун маҳсулот олинмай қолиб кетган».

Хўш, бу ҳолатда ким айбдор? Албатта, раҳбар-да! Бошлиқ ташкилотчилик қобилиятини ишга солмас экан, у корхонада парокандалик юзага келади. Когон туман ХТБда шундай муҳит ҳукмрон бўлган. «Когон уй-жой қурилиш» корхонаси билан шартнома тузилмаган бўлса ҳам 2004 йил 11 февралда 2-ҳисоб-фактура орқали 2 та 284.000 сўмлик кароват текин бериб юборилганини қандай тушуниш мумкин?!

Қиғир иш барибир фош бўлади дейиш ўрнига бош ҳисобчи Ш.Исомиддинова бошлиқни «қўллаб» турди. Бухоро шаҳридаги «П.П.Қуруви» корхонасига ХТБга қарашли 3-болалар боғчасини таъмирлаш учун 2.333.000 сўм пулни кўчириб беришди. Корхона раҳбари Р.Ҳожиев ҳам бу «саховатпешалик»дан фойдаланиб қолишни афзал кўриб бажарилган иш ҳажмини ошириб кўрсатиш орқали 1.293.720 сўмни талон-тарож қилди.

З.Абдуллаев, Ш.Исомиддинова, омбор мудири А.Ҳасановлар биздан нима кетди қабилида иш тутиб, «Агроуниверсал» хусусий корхонасидан 1.200.000 сўмга сотиб олинган компютерни ҳеч қандай ҳужжатсиз туман молия бўлимига бериб юборишди.

Бир хато бошқасини етаклаб келаверади. Одамзот қилаётган ишини виждон чиғириғидан ўтказиб таҳлил қилмас экан ботқоққа ботиб бораверади.

З.Абдуллаев бу гал ХТБ ҳисобидаги «Тико» машинаси ҳақида ўйлаб қолди. Қолдиқ қиймати 1.607.585 сўм бўлган машинанинг қолдиқ қиймати қолмаганлиги тўғрисида 2004 йил 1 октябрда вилоят давлат мулк қўмитасига маълумотнома тақдим қилинди.

«Тико» аукцион орқали 700.000 сўмга «силлиққина» сотиб олинди. Бироқ, жиноятни яшириб бўлмайди. Қонун жиноятни жазосиз қолдирмаслик тамойили билан устувор. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоландилар.

Халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга юзаки ёндашув, ўқитувчига эътибор, раҳбарлик масъулияти деган тушунчаларни четлаб ўтиш яхшиликка олиб келмаслигини, «...эгри юрган қолар уятга» деган нақл нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бурхонжон БУРХОНОВ,
Когон туман прокуратураси терговчиси.
Моҳира ШАКАРОВА

Кассирнинг ҳуқуқи тикланди

— Сиз билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, — деди бошлиқ. — Сабаби, 2005 йил 15 июл куни сиз ишлаб турган кассада камомад аниқланган, тошкентлик ревизорлар буни далолатномада кўрсатишган. Касаба уюшмаси цех қўмитаси олдига сизни ишдан бўшатиш масаласини қўйган. Гап тамом!

М.Маматова ўзини оқлашга уринди, лекин бошлиқ қулоқ солмади. Цех бошлағич касаба уюшмаси йиғилишида ҳам уни кечиришмади. Бир соат ичида қадрдон ишидан айрилиб, «энди нима қиламан?» деган ўйда гангиб турган пайти корхона кадрлар бўлими бошлиғи Б.Аминов ва ходими С.Муҳиддинова йўл-йўриқ кўрсатишди: «Агар қилган айбли ҳаракатларингиз учун ишдан бўшатилсангиз, бошқа ишга кириш қийинлашади, ўз хоҳишингиз билан бўшасангиз, янги фирмага билет кассири бўлиб ишга қабул қилинишингиз мумкин». Шундан сўнг у Андижондаги янги ташкил этилган фирма раҳбарига телефон қилди. Раҳбар уни ишга қабул қилишини айтди. Бундан хотиржам бўлиб, ишдан ўз хоҳиши бўйича бўшаш ҳақида ариза ёзиб берди. Кичик изоҳ: ариза матнини Б.Аминов айтиб туриб ёздирди. Эртаси куни эса фирма раҳбари уни ишга олишни рад этди. Шундан кейин сарсонгарчиликлар бошланди.

Бу аёл шунчалик катта хатога йўл қўйган эдими? Дастлаб 2005 йил 15 июл кунги тафтиш ҳақида. Ўша текширув натижасида кассадан 27 сўм камомад аниқланиб, жойида бартараф этилган. Бу ҳол тафтишчиларни қаноатлантирмаган ёки каттароқ камомад топишга астойдил қасд қилишганми, ким столидан ташқари стол ғаладонларини ҳам кўздан кечиришган. М.Маматова набирасининг туғилган кунига атаб йиққан 49.500 сўм пулини шу жойга қўйган эди. Тафтишчилар унинг изоҳига эътибор бермай, бу пулни ҳам корхона ҳисобига ўтказишди. Бу ҳолат далолатномада қайд этилди. Шу далолатнома туфайли у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, маъмурият унга нисбатан ишончсизлик билдирди. М.Маматовага кечиктириб берилган маъмурият буйруқлари нусхасида шундай сабаблар кўрсатилган.

Ваҳоланки, у маъмуриятнинг ишончини йўқотадиган хатти-ҳаракат содир этмаган. Тафтишчилар 49.500 сўм пулнинг манбаини аниқламасдан туриб кирим қилиб юборишган. Маъмурият 51-буйруғида М.Маматовага интизомий жазо сифатида «ўзининг аризасига мувофиқ тарафларнинг келишувига кўра» деган асос билан меҳнат шартномасини бекор қилиб хатога йўл қўйган. Чунки Меҳнат кодексининг 181-моддасида интизомий жазо турлари кўрсатилган бўлиб, унда интизомий жазо сифатида ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш кўзда тутилмаган. Қолаверса, ички меҳнат тартиб-қоидаларининг 8.5-бандига мувофиқ келмайдиган иш қилинган.

МКнинг 111-моддаси 1-бандида «...меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим» дейилган. Қонуннинг шу талабидан келиб чиқиб, М.Маматовани у билан меҳнат шартномаси бекор қилингунга қадар бажариб келган ишига тиклаш лозим бўлади. Шу йил 3 октябр куни бўлиб ўтган фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди мажлисида шунга қарор қилинди.

Қарийб 400 кундан ортиқ ишсиз, сарсон бўлиб юрган кассирнинг ҳуқуқи тикланди. Унга мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

Сир эмас, жуда кўп аёлларимиз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Оқибатда алданиб, сарсон бўлиб қолишади. Эркин фуқаролик жамиятида ҳар ким қонунларни яхши билиши ва унга итоат этиши лозим.

Ф.БОЙТЕМИРОВА,
Қўқон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси.
Х.ЖЎРАБОЕВ

Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурорлари Қ.Сулейманов ҳамда Р.Ҳафизов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорини қўллаш тартиби юзасидан маслаҳатлашмоқда.

САБОҚ ВА ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Жиноят кодексининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик ва одиллиқдир. Амалдаги қонунчилигимизда жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг бир қанча турлари бўлиб, улардан бири амнистия акти асосида шахсни озод қилишдир.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг Сенати ўз ваколати доирасида 2006 йил 30 ноябр куни «Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Унинг 1-бандига биноан илк марта содир этган жинояти учун маҳкум этилган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар, жиноят содир қилгунча доимий яшаш жойи Ўзбекистондан ташқарида бўлган ва озод этилгандан кейин мамлакатимизда бўлиш учун қонуний асоси бўлмаган чет эл фуқаролари жазодан озод қилинадилар. Қарорнинг 2-бандига кўра эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

Қарорнинг 3-бандига биноан у кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари деб топилган маҳкумлар жазони ўташдан озод қилинадиган бўлди. Қарорнинг 4-бандида эса озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар ҳам жазони ўташдан озод қилиниши белгиланган. Ҳа, амнистия туфайли билиб-билмай жиноят кўчасига кирган, иродасизлиги, туйғуларини жиловлай олмаслиги ёхуд ҳуқуқий билими етишмаслиги туфайли жиноят содир этиб, бундан астойдил надомат чекаётганлар жазодан озод этиладилар. Бу улар учун катта имкониятдир.

Бироқ, қарорнинг 3 — 4-бандларида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмаслиги айтилган. Шунингдек, мазкур қарор ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётганларга, илгари авф этилиб, жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Инсонпарварлик принципларига риоя қилинган ҳолда чиқарилган қарор тегишли давлат органлари ва мансабдорлар томонидан адолатли ижро этилиши лозим. Йўқса, биргина ноқонуний хатти-ҳаракат ҳам қилинаётган эзгу ишларга соя солиши мумкин.

Амнистия юксак бағрикенглик, инсонпарварлик, кечиримлилик намунасидир. Ҳар томонлама тараққий этган, турли жиноятчи ва ҳуқуқбузарлардан холи бўлган ҳуқуқий-демократик жамиятда яшашни истар эканмиз, унда қарор ижросини таъминлашда ҳам бирдек масъул эканлигимизни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Абдурашид ЖЎРАЛОВ,
Қарши шаҳар прокурори

ЎЗИГА ЧОҲ ҚАЗИГАН «ТАДБИРКОР»

Андижон шаҳридаги «Нурли мато» корхонаси фаолияти ўрганилганда жуда кўп миқдордаги солиқлар тўланмагани аниқланди. Корхона раҳбари Муродбек Убайдуллаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов жараёнида «тадбиркор» яна бир қатор жиноятларни содир этгани фош бўлди.

У 2003 йил охирида «Нурли мато» хусусий корхонасини ташкил этган. Ўрта-махсус маълумотли йигит «муомала» санъатини миридан сиригача эгаллаган, ҳар қандай одамнинг ишончини қозониб, гапини ўтказиш борасида ниҳоятда ёш улуғларга сабоқ бера оларди.

Бор-йўғи 100.000 сўм низом жамғармаси билан иш бошлаган ишбилармон кўз очиб юмгунча улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритди. «Ишонч баҳо» масъулияти чекланган жамият раиси Б.Низомов ва шаҳар ҳокимлигининг савдо, саноат ва маиший хизмат бўлими бошлиғи Б.Ниёзматовлар қўли очиқ, тадбиркорни қўллаб юборишди. Низом жамғармасини энг кам ойлик иш ҳақининг 6000 баробари ҳамда пул маблағлари 2000 баробари миқдорида бўлган корхоналарга улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади. М.Убайдуллаев омборида 33.050.000 сўмлик болалар қишки пойафзали борлиги тасдиқловчи сохта ҳужжатларни «Ишонч баҳо» МЧЖга тақдим қилди. МЧЖ раҳбари Б.Низомов шунга асосан 2004 йил 6 май куни 124-сохта маълумотномани тасдиқлаб берди. Ана шу ҳужжатлар ёрдамида Андижон шаҳар ҳокимлигидан улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олишга эришди. Шу йўсинда сохта ҳужжатлар тузиб савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузиб, «фаолияти»ни кенгайтириб борди.

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилишга лицензияси бўлмаса-да, Дилшод Жабборов деган таниш савдогардан салкам 10 тонна солидолни қарзга олди. Жалолқудуқ туманидаги «Суфиқишлоқ» акциядорлик жамияти раҳбари Ғ.Насриддинов, «Ойим», «Ўзбекистон 5 йиллиги», «Дўстлик», «Гулбаҳор», «Ҳақиқат», «Қўртқи» ширкатларининг раислари А.Эшмуродов, О.Эминов, А.Норалиев, И.Жўраев, А.Умаров, А.Мадалиевлар билан тил топишди. Ширкатларга солидолни асил нархидан ўн баробар қиммат баҳода 4.000.000 ва 8.000.000 сўмга 500 килограммдан 1 тоннагача миқдорда етказиб беришга оид шартномаларни тузди. Солидолдан ширкатларнинг қарзини «Суфиқишлоқ» АЖга ўтказиш ҳақида 2004 йил октябр ойида уч томонлама келишув битимларини расмийлаштирди. «Нурли мато» корхонаси АЖга 80.000.000 сўмлик 22 хил эҳтиёт қисм ва 6.200.000 сўмлик 2 хил кийим етказиб берган, аммо пулини олмаган эди. Ушбу ҳақдорликни гарчи ҳеч қандай шартнома тузмаган, маҳсулот етказиб бермаган бўлса-да, 49.800.000 сўмга кўпайтириб, 136.000.000 сўмга етказди. Гарчи ширкатларда ҳеч қандай ҳаққи бўлмаса-да, 24.000.000 сўм қарзини ҳам пахта АЖ гарданига ўтказиб, 160.000.000 сўм қарздор қилиб қўйди. «Суфиқишлоқ» АЖдан 60.000.000 сўмлик қалава, Андижон механика заводининг «Ҳалқ истеъмоли моллари» филиалидан салкам 20 миллион сўмлик товар олиб сотди, тушган пулни банкка топширмади.

2005 йил мобайнида 16.200.000 сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, давлат манфаатига жуда кўп миқдорда зарар етказди.

Дастлабки терговда аниқланган барча ҳолатлар суд жараёнида тасдиқланди ва судланувчилар тегишли жазога тортилдилар.

О.ҲОШИМОВ,
Андижон вилоят прокуратураси терговчиси

Qayerdan: Хатлар ва тамоатчилик билан алоқалар саҳифаси

Qayerga: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66 «Huquq» газетаси таҳриятига, 700047

МУШКУЛИМИЗ ҚАЧОН ОСОН БЎЛАДИ?

Ҳурматли «Huquq» газетаси таҳририяти! Сизларга кўп сонли аҳоли номидан хат ёзмоқдамиз. Биз Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани Қорақамиш-1/2 даҳасида истиқомат қиламиз. Арзимиз шундан иборатки, Қорақамиш-1/2 даҳасида транспорт жуда кам. Масалан, бекатдан «Олой» бозорига тўғри қатновчи биронта автобус йўқ. Охирги 3-4 ой ичида 78-автобус қатнай бошлаган эди. Аммо 1 январдан бу автобус бизнинг бекатдан ўтмайдиган бўлиб, йўналиши бутунлай ўзгариб кетди. Бизнинг бекатдан Оқтепа-Юнусобод йўналиши бўйича 43-автобус, Ҳасанбой-Пахтакор йўналиши бўйича эса фақаттина 42-автобус қатнайди, холос. Минглаб аҳолининг эҳтиёжи ҳисобга олинмаган. 96- ва 3-хусусий маршрутлар эса «Чорсу»гача боришади. Улар ҳам Қорақамиш-1/4 дан тўлиб келгани боис умуман чиқиб бўлмайди. Эрталаблари бекатда 70-80 киши автобусларни икки соатлаб кутади. Автобуслар баъзан тўхтамай ўтиб кетади. Кечқурун соат беш-олтиларда эса автобуслар қатнови тўхтаб қолади. Қорасарой кўчасидан уйимизгача 2-3 бекат пиёда юриб келамиз. Биз томонга автобус юрмаслигини билиб олган таксичилар эса нархини осмон қилиб айтади. Бу муаммолар қачон бартараф бўлади? Янги йилда бизларнинг ҳам ҳуқуқимиз ҳимоя қилинади деган умиддамиз.

Г.МАХСУНОВА, И.МАРАНТИДИ, Ҳ.КЎРҒОНОВА, М.ҚУРБОНБОЕВА ва бошқалар (жами 20 имзо)

Акамга шарларимни кўрсатай-чи...

Сарҳисоб

Биз учун мактаб давридан, аниқроғи, она тили фанидан таниш бўлган бир тушунча бор. Яъни, антоним ҳамда синоним деган сўзлар. Антоним сўзлар бир-бирига қарама-қарши маъноларни англатса, ёзилиши турлича бўлгани ҳолда бир хил маъноларни билдирувчи хат, мактуб, нома ва битик сўзлари синонимдир. Хат, мактуб деганда кўпинча кишиларнинг бир-бири билан ёзишмалар орқали боғланиши, мулоқот қилишини тушунамиз. Лекин, техника ривожлангани сайин мактуб битишга ҳожат қолмаяпти.

Аммо бугунги кунда таҳририятимиз учун хатлар аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бизга келаётган ариза ва шикоятлар асосан хат орқали юборилмоқда.

2006 йилда таҳририят фуқаролардан 1036 та хат олди. Шундан 370 га яқинини ариза ва шикоятлар ташкил этди.

Бизга келиб тушган шикоят ва аризалар тартиб билан кўриб чиқилади ва манзил бўйича тегишли идораларга юборилади. Шу ўринда ҳар бир хатнинг тақдирига бефарқ эмаслигимизни таъкидламоқчимиз.

Яна бир ҳолат борки, бунга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Баъзан фуқаролар аризасига ҳеч қандай жавоб олмаганлиги боис такрорий шикоят ёзишади. Улар аксарият ҳолларда имзосиз ёки ариза нусхаси ҳолатида, шунингдек, бир нечта ваколатли идораларнинг манзили кўрсатилган шаклда келади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай вазиятда аризалар қонунан кўриб чиқилмайди.

Энди фактларга эътибор қаратсак. Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратуралари ҳамда ваколатли идораларга юборилган аризаларнинг 14 таси кўриб чиқилиб, аниқ чоралар белгиланган бўлса, 12 нафар аризачига ҳақ-ҳуқуқи тушунтирилган. Аммо аризаларнинг 20 дан ортиқроғи тасдиқланмади. 40 га яқин хат эса имзосиз ва бир нечта манзилга йўлланганги боис кўриб чиқилмади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани А.Сафаров ширкат хўжалиги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Эшдавлат Холиқов таҳририятга уч марта ариза йўллаган бўлиб, учала шикоят ҳам нусха шаклида келган. Олмалиқ шаҳар Олмалиқсой кўчаси 42-уйда яшовчи Р.Искандаров йўллаган ариза имзосиз келганлиги учун аноним эканлиги аниқланиб, («Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси) текширилмасдан қолдирилди. Бундай ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада эмаслиги боис юз бераётгани кўриниб турибди. Вақт — бебаҳо неъмат. Баъзан ўз ҳуқуқларимизни тўғри тушунмаслигимиздан ушбу неъматни қўлдан бериб қўйишимизни англайвермаймиз. Қолаверса, ноаниқ битилган хатлар анча оворагарчиликка ҳам сабаб бўлади.

Таҳририят низомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириб бориш борасида юқори савияли материаллар тайёрлаш ва уларнинг моҳиятини муштарийларга етказиб бериш кўзда тутилган. Шунинг учун хатлар чора кўриш учун тегишли жойларга юборилади. Шунингдек, келган аризалар бўйича журналист суриштируви ҳам ўтказилади. Жорий йилда таҳририят мухбирлари З.Мамадалиев, А.Мустафоқулов, М.Аловуддинов (6 тадан), А.Мадатов (3 та), Қ.Жўраназаров, И.Иброҳимов (5 тадан), Н.Оқназаров (7 та) томонидан бир қанча суриштирув материаллари тайёрланиб, чоп этилди. Масалан, А.Мустафоқуловга 11 та ариза журналистик суриштирув ўтказиш учун берилган бўлиб, «Қасдми ёки автофалокат?» (аризачи С.Ҳайитов, Ширин шаҳри), «Ҳеч ким хўрлик кўрмасин» (аризачи Б.Бўлтакова, Фориш шаҳри), «Рулни бур... Тормозни бос» (аризачи И.Ким, Тошкент шаҳри) номли материаллар эълон қилинди. 5 та аризада келтирилган важлар суриштирув давомида исботини топмади. Қолган учтаси ўрганилмоқда.

Шу ўринда газетамизнинг ҳуқуқий маслаҳатхона саҳифаси муштарийларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Фуқароларнинг саволларига саҳифада мунтазам равишда жавоб бериб борилди.

Таҳририят юбораётган аризаларга кўпчилик вилоят, туман прокуратуралари ўз вақтида жавоб беришмоқда. Масалан, «Huquq»нинг 2006 йил 25 октябр кунги сонида фуқаро Н.Эгамқулованинг аризаси «Яна сизга мурожаат қилдим» сарлавҳаси билан чоп этилган эди. Ҳали уни тегишлилиги бўйича Сурхондарё вилоят прокуратурасига юборишга улгурмай туриб, вилоят прокурори вазифасини бажарувчи Б.Эргашевнинг жавоб хати келгани бизни қувонтирди. 2006 йилнинг июн ойида таҳририятга Олмалиқ «Иссиқлик манбаи» корхонаси ишчиларидан ариза келиб тушди. Унда февралмай ойлари учун иш ҳақи берилмаётганлиги ҳамда корхонадаги айрим камчиликлар ҳақида шикоят қилинган эди. Тошкент вилоят прокуратурасидан шикоятга белгиланган муддатда жавоб хати олинди. Унданда қувонарлиси корхона ишчиларининг таҳририятга қўнғироқ қилиб, ташаккур билдирганлари бўлди. Албатта, бунинг учун Тошкент вилояти прокуратураси ходимларига фуқаролар номидан миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу каби мисоллар рўйхатини фуқаро М.Эркаева, У.Омонов, Н.Талқинбаеваларнинг миннатдорчилик мактублари билан давом эттириш мумкин.

Аммо нима учундир ҳамма шикоятлар бўйича ҳам вақтида жавоб олишнинг иложи бўлмаяпти. Масалан, И.Норжигитова, Д.Жамолова, Э.Очилов, Х.Ортиқов ва А. Абруевларнинг аризалари Самарқанд вилоят прокуратурасига, Х.Ҳакимова, Г.Омоноваларнинг шикоятлари Пастдарғом тумани, И.Аликуловники Ургут тумани, М.Раупова ва Ф.Саидоваларнинг аризаси Қўшработ тумани, Т.Қосимов ва Ғ.Умрзоқовларники Андижон вилояти, фуқаро Р. Бердиева ва Э.Ортиқовларнинг аризаси Наманган ва Чуст тумани, Б.Ҳакимовники Фарғона вилояти, Т.Қурбонова, Ш. Қўчқоров, М.Матёқубовларнинг аризалари Хоразм ва Ҳазорасп прокуратураларига, А.Иброҳимовнинг аризаси Ўзбекистон Республикаси Суд қарорларини ижро этиш департаментига Б.Тўраев, Д.Сапарбаевларники Қорақалпоғистон Республикаси ва Беруний тумани прокуратураларига, Н.Бегимованинг аризаси Шаҳрисабз туман прокуратурасига, Р. Менгировники Қашқадарё вилоят ҳалқ таълими бошқармасига юборилган эди. Афсуски, таҳририят бу хатларга ҳануз жавоб олгани йўқ.

Хатларни шарҳлашда давом этар эканмиз, ишимиз доим ҳам силлиқ кечавермаслигини тан оламиз. Айниқса, фуқаролардан келаётган аризаларнинг аксарияти турар-жой идоралари ёки туман доирасида ҳал этилмасдан, юқори, ҳатто республика миқёсидаги ташкилотларгача етиб келаётгани ачинарли қолдир. Уларнинг кўпчилигини ер, уй-жой масаласидаги низолар, судлар чиқараётган ҳал қилув қарорларидан норозилик аризалари ташкил этади. Шулардан 99 таси вилоят ва туман прокуратураларига жўнатилган бўлса, 12 таси Бош прокуратура бошқармаларига ўтказилган. Айримлари тасдиғини топмаги ёки протест келтиришга асос йўқ деб топилган.

Янги йилда фуқароларнинг муаммолари камайишини, таҳририят хатқутиси миннатдорчилик мактублари билан тўлиб-тошишини истаймиз.

Маъмура ДЎСТЁРОВА,
«Huquq» газетаси мухбири

Эътибор олтиндан қиммат

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов умрининг сўнгги кунларидан бирида шундай деганди:

— Ёшинг бир жойга етганида ҳаётни теранроқ англай бошларкансан. Масалан, мана бу қўлимдаги олмани олиб кўрайлик. У қандай қилиб олма бўлиб қолди? Унга қай тариқа таъм битди? Қандай қилиб у қизил ранг олди? Бу саволларга олимлар илмий жиҳатдан жавоб беришлари мумкин. Лекин гап бунда эмас, оддий бир нарсанинг аслида мўъжиза эканлигида, биз буни англамаслигимиз ҳақида кетаяпти. Тавба, қанчалар ҳам беэътибормиз-а? Ҳамма нарсанинг, атрофдаги одамларнинг ҳам аслида мўъжиза эканлигини англамаймиз. Баъзан эса жуда кеч тушуниб етамиз...

Бола эдик. Ҳовлимиздаги дарахтларнинг ажойиб мевалари зўрға пишиб етиларди. Сабаби, довуччалик пайтидаёқ биз уларга «қирон» келтира бошлардик. Фақат бизда гилос йўқ эди, холос. Бу менга алам қилиб, кўпинча акамларга хархаша ҳам қилардим. Гилос маҳалланинг нариги бошида яшовчи отамлар (бошқа жойлардагидан фарқ қилиб, бизда онанинг отасини ота, онанинг онасини эса эна деб чақиришади)никида бўларди. Айни май ойида қизарадиган ушбу мевани татиб кўриш биринчи навбатда биз — неваларга насиб этарди. Бола бўлганимиз учун қишлоқнинг у бошидаги бу уй бизга жуда узоқдек туюлар, у ерга онам етакчилигида борардик. Ҳовлида усти ёпиқ шийпон бўлиб, экин экилган саҳнинг нариги бурчагида эса ўша машҳур гилос дарахти турарди. Шийпондан гилосга қараб тахминан юз метрча сим тортилган бўлиб, шохга боғланган симнинг нариги учига эски човгум илиб қўйиларди. Човгумнинг ичига оғир темир ипга боғланиб осиб қўйилган бўларди. Шу тариқа қўлбола «қўнғироқ»ни чалиш учун симнинг шийпондаги қисмини тортишнинг ўзи кифоя эди. Қўнғироқ чалишдан мақсад гала-гала бўлиб мевага ёпишадиган қушларни ҳуркитиб қувиш бўларди. Ана энди тасаввур қилаверинг заҳматни. Қушлар айланиб келиб, пишган гилосга ёпирилишар, «қўнғироқ» чалиниши билан четга қочишар, тинчиши билан худди масхара қилгандек яна ёпирилишарди. Кечга яқин «Иж» мотоциклини тарилладатиб отам ишдан келиб қоларди. Бизни қучоқлаб ўпиб, қўлини дуога очарди:

— Омин, оллоҳу-акбар, тан-сиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик, кенг фаъл, кетмас давлат берсин.

Бу орада энам «қўнғироқ»ни бир-икки данғиллатиб қўйишга улгурарди. Одатда отам куйинаверадиган энамга дакки берарди:

— Қўявер кампир, фаъли кенг қил. Уларнинг ҳам ризқи бор...

Биз эса бу гапларга бепарво, бир пасда дарахтнинг шохига ўрмалаб кетардик.

Тавба, шунча хотирамни титиб қарасам ҳам отам билан энамнинг шу гилосдан бирор марта татиб кўрганини эслолмадим. Унда куни билан овора бўлиб, уни қушлардан қўриқлашдан мурод нима эди? Ўша пайтда бу саволни уларга ҳам, ўзимизга ҳам бирор марта бермаганмиз. Ҳатто бу тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Қаранг, қанчалар ҳам беэътиборлиз-а? Бу-ку, биргина мисол. Бунақа мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Ўз меҳрларини аямаган бу азиз инсонларнинг қадрига мана энди етиб турибман.

Умримизнинг бир йилини қанотига олиб яна бир йил мозийга қараб учиб кетаётган шу кунларда хаёлимдан мана шу хотиралар ўтди. Бехтиёр шундай тилак билдиргим келди:

— Келинг, бир-биримизга янада эътиборлироқ бўлайлик. Ахир, эътибор олтиндан қиммат. Кейин кеч бўлмасин...

Ҳаким РАҲМОН

Кун кўролмаётганимнинг бошқа сабаби бор

Сирдарё вилоятининг Гулистон туманига тез-тез йўлим тушади. Гоҳ журналист суриштируви сабаб кимнингдир хонадони эшигини қоқишга, гоҳ интервю олиш учун қайсидир шахснинг ҳузурида бўлишга тўғри келган. Бу гал эса туман прокуратурасига йўл олдим. Вилоят прокуратурасидаги дўстларимиз бу ерда жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишишни тавсия этишди. Йил якунланаётгани боис баҳонада прокуратура ходимлари янги йилни қандай кутаётганликларини билмоқчи бўлдим.

Прокуратуранинг биноси Деҳқонобод шаҳарчасидаги маҳаллалардан бирида жойлашган. Атрофи уй-жойлардан иборат. Бинога яқинлашар эканман, ховлида туман прокурори Юсуф Мусаевга дуч келдим. У киши ўтган-кетганлар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб қўярди. Мени ҳам хуш кайфиятда қаршилаган Юсуф ака билан суҳбатимиз тез ковушиб кетди.

«Маслаги йўқ киши адашиши тайин»

— Прокуратура маҳалла орасида жойлашганининг кўп яхши томонлари бор. Халқнинг аҳволини, ташвишларини билиб турасан. Ҳар куни мактабга шошаётган болакайларга, кечқурун боласини боғчадан етаклаб қайтаётган оналарга, набираларига у-бу кўтариб бозордан қайтадиган отахонларга кўп дуч келаман.

Биз суҳбатлашиб, ичкарига йўл оламиз. У ерда узоқ йиллардан бери танийдиган тажрибали дўстларимизга дуч келиб хурсанд бўлдим. Уларнинг ҳаммаси ишчан кайфиятда эди. Прокурор қабулхонасида уч-тўрт киши турарди. Юсуф ака улар билан кўришиб хонасига йўл олди. Мендан узр сўраб, уларни қабул қила бошлади. Келганлардан ҳар бирининг ўз дарди бор эди. Прокурор алиментни ўз вақтида тўламаган собиқ эридан шикоят қилиб келган аёл билан ҳам, шартномани бажармаётган қайсидир ташкилот раҳбарини тартибга чақиришни сўраб келган фермер билан ҳам, электр ҳақини ундиришда кўмаклашиш масаласида келган вакил билан ҳам бирдай суҳбатлашди.

— Ҳар куни турли одамларга дуч келаман. Уларни куттирмай дарҳол қабул қилишга ҳаракат қиламан. Кўпчилиги ёниб кириб келади. Ўтқазиб бир пиёла чой узатаман. Гапни узоқдан бошлаб келаман. Сал ўзини босиб олгач, нима гаплигини сўрайман. Сабаби оддий, инсон ҳаяжонга берилган пайтда ким ҳақ, ким ноҳақлигини тўғри англай олмайди.

Гап айланиб суҳбатимиз туман прокуратураси фаолиятига, режаларига бориб тақалди.

— Ўтган йилги кўрсаткичлардан мамнунман. Тумандаги криминоген вазият анча яхшиланди. Лекин бу қилаётган ишимиздан қониқиш ҳосил қилдим деган гап эмас. Ҳали муаммоларимиз етарли. Назаримда, энг катта вазифа — одамларда қонунларга ҳурмат руҳини мустаҳкамлашдан иборат бўлса керак. Эътиқодсиз киши жиноят эшигига яқин туради. Масалан, қуйидаги жиноятни олайлик.

Таълим тизимида илмли, фидойи кишилар ишлаши лозим. Ўттиз ёшли Гуласал Жумабоева эса бу соҳага адашиб кириб қолганлардан. Агар кўнглида юрт келажаги учун хизмат қилиш нияти бўлганида маълумотини ошириш учун ўқиб-ўрганган бўларди. Афсуски, у бундай қилмаган. Етарли билими бўлмаса-да, ўқитувчилик қилиш мақсадида Тошкент шаҳрида номаълум шахслардан сохта диплом сотиб олиб, Гулистон туманидаги 30-мактаб раҳбариятига тақдим этган. Шу йўл билан бирмунча вақт барчани лақиллатиб келади. Ҳаммасидан ачинарлиси, маълум вақт етарли таълим-тарбия ололмаган болаларнинг онгига етказилган зарарни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Агар Г.Жумабоева муаллимлики муқаддас касб деб билганида бундай қаллобликка қўл урмасди. Яхшиям бу ҳолат ўз вақтида аниқланди.

Яқинда туман прокуратураси яна бир жиноятни фош этди. Етказилган зарар суммаси унча катта эмас. Лекин гап унинг оқибати, ким томонидан содир этилганида...

Абдували Деҳқонбоев Сирдарё вилоят тасвирий санъат лицей-интернатида директор лавозимида ишлаб келган. 2006 йил 18 август куни директор ҳисобчи А.Сариқулов олган 688.700. сўм пулни хазиначи касаллиги туфайли уйида сақлаш учун олиб кетади. Бу пул омонат эканлигини унутиб, шахсий манфаати йўлида ишлатиб юборади. Маошсиз қолган ўқитувчиларга эса турли баҳоналарни рўкач қилади...

Юсуф ака билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Кечга яқин у ердан қайтар эканман, мана шундай инсонлар бор экан, жиноятчиликнинг пайи қирқиларишига, одамлар турмуши янада фаровонлашишига амин бўлдим.

М.АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

Ўз нуфузига эга газета

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси мажлислар залида «Ғарезсизлик ҳам низам» газетаси 10 ёшга тўлганлиги муносабати билан кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Ўзбекистон қаҳрамони Т.Қаипбергенов, Жўқорғи кенгеснинг ижтимоий масалалар бўйича қўмита бошлиғи К.Рейимов, Қорақалпоғистон Адлия ва Ички ишлар вазирлари Е.Халмуратов ва М.Бобониёзов, жиноят ишлари бўйича жўқорғи суд раиси К.Ералиев, журналистлар, олим ва талабалар иштирок этган анжуманни Республика прокурори Ҳ.Ҳалимов кириш сўзи билан очди.

Шундан кейин «Ғарезсизлик ҳам низам» газетаси муҳаррири З.Бекмуратов газетанинг ташкил бўлиши ва босиб ўтган йўли ҳақида маъруза қилди.

Газета жамоаси ўтган йиллар давомида президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларини халқимизга етказишда бир қатор ишларни амалга ошириб келди. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Шу боис бўлса керак, ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этилаётган мазкур газета дастлабки йиллари 2000 нусхада чоп этилган бўлса, ҳозир унинг тиражи 20.000 нусха. Мазмунли мақола ва очерклари билан халқ дилидан жой олаётган жамоа журналистлари бугун қорақалпоқ диёрида ўз нуфузига эга. Газета қонун тарғиботчиси сифатида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни оммасига тушунтиришда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органларининг яқин кўмакчисига айланган.

1999 йил сентябр ойидан бошлаб газета қошида Қорақалпоғистон прокуратураси ва телевидениеси билан ҳамкорликда «Адиллик ойнаси» кўрсатуви ташкил этилган бўлиб, қорақалпоқ ва ўзбек тилларида эфирга берилмоқда. Шунингдек, 2002 йил сентябр ойидан бошлаб газета журналистлари ойига икки марта «Қалқон» эшиттиришини ҳам тайёрлаб, тингловчилар эътиборига ҳавола этишаяпти. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоага ҳар тарафлама ёрдам бериб келмоқда.

Бундан ташқари, ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да таҳририят бир қатор савоб ишларни ҳам амалган оширди. Жумладан, Хўжайлидаги меҳрибонлик уйига ўқув қуроллари ва китоблар совға қилди. Жамоанинг спорт мактаби ва республикадаги бир нечта касалхонага ҳомийлик қилгани айниқса таҳсинга лойиқ. Шунингдек, чекка қишлоқлардаги кўплаб мактаблар, кам таъминланган оилалар «Ғарезсизлик ҳам низам»га бепул обуна қилинган. Бу каби тадбирлар эса аҳоли ўртасида газетага бўлган ҳурмат ва ишончнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Биз ҳам таҳририятимиз номидан газета жамоасини қутлуғ сана билан табриклаб, ижодларига баркамоллик тилаймиз.

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

Шайтонга бўйсунган домлалар

Одамлар орасида ранги бир алпозда турган ҳамқавмини кўрган шайтон деди:

— Ҳа, нима қилди? Иймони бут, виждони пок одамлар кун бермай қўйдими дейман?

— Э, сўраманг. Ҳолим хароб. Кун кўролмаётганимнинг бошқа сабаби бор. Бухоро университетидаги айрим домлалар макр-ҳийлада мени, керак бўлса сизни ҳам доғда қолдиришади. Уялганимдан...

— Йўғ-э.., — деганча ҳайрат бармоғини тишлади шайтон. Бу айтганимиз-ку бадиий тўқима. Аммо энди айтмоқчи бўлаётганимиз Бухоро давлат университетида бўлган воқеа. Ишонаверинг...

Давлатнинг қудрати ҳар жиҳатдан етук, билимли, иқтидорли кадрларга боғлиқ. Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан мақсад ҳам шундай кадрларни тайёрлашдир.

Таълим тизимида имтиҳонлар ўрнига тест синовлари жорий этилиши холислик ва адолат тамойили устуворлиги таъминланиб, билимдонларгина талаба бўлишига имкон яратди. Бироқ соҳада пок виждонли, фидойи инсонлар қаторида шахсий манфаати йўлида қингирликдан қайтмайдиган педагоглар ҳам учраб туради.

Иқтисодиёт факултети ўқитувчиси Шавкат Баратов илмли йигит. 2006 йил май ойининг бошларида Ш.Баратов тинчини йўқотди. Ундан-бундан қулоғига чалинган «паровоз»лар ҳақидаги ҳангомалар уни шу кўйга солган эди. «Нима қилсам экан-а? Билимли талабалар топиб «ишлаб кўрсаммикан?..».

Шу каби режалар билан тонггача мижжа қоқмаган домла боши ғовлаб ишга отланди. Йўлда эски таниши, ўзбек адабиёти кафедраси аспиранти, магистратурада бирга ўқиган курсдоши Жамила Нутфуллаевани учратди. Анча суҳбатлашган ҳамкасбларнинг суҳбати «паровоз»ларга келиб тақалиши жиноятга туртки бўлди.

— Фермер хўжалигингизни бироз муддат қўйиб турасиз энди, курсдош, — деди Шавкат Жамиланинг «2 гектар ерим бор» деганига шаъма қилиб. — Билимли болаларни топишга ёрдамлашсангиз, бу ёғини бир амаллашни менга қўйиб беринг. Қарабсизки, жарақ-жарақ «кўк» чўнтакда.

— Мен ҳам қараб турмайман. Ўқишга кирмоқчи бўлган бир-иккита жиянларим, таниш-билишлар бор. Ҳаммаси иш битса пулдан қочмайдиганлардан.

Ж.Нутфуллаева ёш бўлса-да, анча пишиқ чиқиб қолди. Тошкент молия институтида ўқиётган Дониёр Ҳожиев, ЎзДЖТУ талабаси Сурайё Ҳафизова, дипломатия ва жаҳон иқтисодиёти университетини тугатган Илҳом Толибов, унинг укаси, молия институтининг 1-курс студенти Шавкат Толибов, Суннат Омонов, Лазиз Мировлардан иборат «паровоз»лар гуруҳини тузди. Ўз навбатида ҳеч машаққатсиз 1500 АҚШ долларидан бериб талаба бўлишни орзу қилган Ж.Сатторов, Ф.Файзиева, М.Баратова, Ш.Аҳмедов, А.Жабборов, Э.Раупов, А.Файзуллаев, А.Жумаев, А.Ҳамроев, Г.Каримова каби абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари қинғир ишнинг қийиғи чиқмаслигига ўзларини аллақачон ишонтириб қўйишганди.

Ж.Нутфуллаева қўлида хамир учидан патир тариқасида йиғилган 1800 долларни кўриб, ўзини мижозлари олдида дадил тутишга ҳаракат қиларди.

— Иш ҳал бўлгандан кейин қолганини оларман. Мен ҳам тегишли одамларга «доля»сини беришим керак, — деди гуруҳни йиғиб ўтказган «мажлис»ида. — Қолаверса, сизлар қўрқманглар, постлар кўриб қўйилган.

— Ҳа, дадил кириб боравергинлар. Жамила опанг(из хавфсизликни таъминлаб қўйган, — ҳамтовғининг фикрини тасдиқлади Ш.Баратов.

«Хавфсизлик таъминланган» дейилган фикр бўлажак талабаларнинг ишончини орттириш учун ўйлаб топилган усул эди холос.

Ж.Нутфуллаева ҳамда Ш.Баратовлар қалбида уя қуриб олган шайтон амалини кўрсатди. Ажабки, унинг чилдирмасига ўйнаётганлар орасида оқ-қорани таниган зиёли кишилар борлиги ачинарли.

Жиноятчиларнинг уринишлари, талаба бўлиш умидидаги абитуриентларнинг орзулари чиппакка чиқди. Жиноятга жазо муқаррар. Бироқ, тасодифан бу жиноий ҳаракат амалга ошганда нима бўларди? Аёнки, билимсиз болалар талабалар сафига қабул қилинарди. «Ҳомий»лари ёрдамида бир амаллаб университетни тугатиб чиққан талаба етук кадр бўлишига ким кафолат беради?! Боз устига чаласавод мутахассис педагог бўлишини, йиллар давомида юзлаб, минглаб болаларни қандай ўқитишини тасаввур қиласизми?

Домла дейилганда ҳалол, пок, фидойи инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Университетда ҳам Э.Қиличев, Р.Воҳидов, О.Сафаров, Н.Шукуруллаев каби ўнлаб касбини қадрлаб, талабалар, ота-оналар ҳурматига сазовор бўлган кишилар ишлаб келмоқда. Бироқ, Ш.Баратов, Ж.Нутфуллаеваларнинг қилмишидан нега университетдагилар ўз вақтида хабардор бўлишмади? Мулоҳаза қилганнинг сайин саволлар туғилаверади.

Насриддин САДИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси катта терговчиси.
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолиятидан

ХАЛҚ МАНФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

2006 йил 12 — 15-декабрда Москвада жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳининг 5-ялпи мажлиси ва ишчи гуруҳларининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда ЕОГга аъзо давлатлар: Ўзбекистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, ва Тожикистон, шунингдек, ЕОГдаги кузатувчи ташкилот ва давлатлар, яъни, ФАТФ, Бутунжаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, наркотиклар ва жиноятчилик бўйича БМТ бошқармаси, Евроосиё иқтисодий ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европа иттифоқи, Интерпол, Арманистон, Буюкбритания, Италия, Молдова, АҚШ, Туркия, Украина, Франция ва Япония давлатларининг делегациялари иштирок этдилар.

Ўзбекистон делегацияси Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи Н.Йўлдошев ҳамда департаментнинг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи С.Ғуломовдан иборат таркибда иштирок этди. Жумладан, 13 декабрда ЕОГнинг донор давлатлари ва ташкилотларининг 2-конференцияси ўтказилиб, унда ЕОГга аъзо давлатлар вакилларининг ахборотлари тингланди.

Конференцияда ЕОГ донорларининг 2005 йил 14 декабрда Москва шаҳрида ўтказилган 1-конференцияси қарорлари ижроси муҳокама этилди. Шунингдек, ЕОГга аъзо давлатлар вакилларининг донорлар томонидан кўрсатилган техникавий ёрдам самаралари ҳамда мазкур ёрдамга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотлари таҳлил этилди, ЕОГга аъзо давлатларга техникавий ёрдам кўрсатиш борасидаги донорлар таклифи тингланди. Шу асосда 2007 йилда донорларнинг ҳамда Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-услубий маркази имкониятларидан фойдаланган ҳолда ЕОГга аъзо давлатларга навбатдаги техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, ЕОГнинг 2007 — 2008-йилги стратегик режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Конференция иштирокчиларининг фикрича, ЕОГга аъзо давлатларга кўрсатилаётган техникавий ёрдам сезиларли самара бермоқда. Бу эса ўз навбатида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашувчи миллий тизимларни яратиш ва такомиллаштиришга имкон беради, шу боис ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилади.

ЕОГнинг 5-ялпи мажлисида ваколат муддати тугаганлиги ва иш гуруҳлари мандатларининг амал қилиш вақти тугаганлиги боис ЕОГнинг раиси ва унинг ўринбосарининг қайта сайлови ўтказилди. Шунингдек, иш гуруҳларининг ҳам раислари ва гуруҳларнинг навбатдаги икки йилга мўлжалланган янги мандатлари тасдиқланди. ЕОГнинг ҳуқуқий масалалар бўйича иш гуруҳи ўзаро баҳолаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича иш гуруҳига айлантирилди, типологиялар ва техникавий ёрдам бўйича иш гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишлари ўзгаришсиз қолдирилди. Росфинмониторинг раҳбари В.Зубков қайтадан ЕОГ раиси этиб, Қирғизистон иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари, молиявий разведка хизмати раҳбари вазифасини бажарувчи Т.Калимбетова унинг ўринбосари этиб сайланди.

ЕОГга аъзо давлатлар Литва ҳамда ЕХҲТнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, уларга ЕОГдаги кузатувчи мақоми берилишини бир овоздан маъқулладилар.

Шунингдек, ЕОГнинг 5-ялпи мажлиси кун тартибига асосан 2006 йилдаги типологик тадқиқотлар мавзулари бўйича олиб борилган ишлар маъқулланди, 2007 йилда амалга ошириладиган тадқиқот мавзулари тасдиқланди. ФАТФ билан ЕОГнинг 2006 йил ноябр ойида Шанхайда типологиялар бўйича ўтказилган қўшма семинари натижалари бўйича ЕОГ зиммасига юклатилган мавзу юзасидан маъруза тайёрлашни ниҳоясига етказиш чора-тадбирлари белгиланди. У ЕОГнинг 2007 йил май ойида ўтказиладиган 6-ялпи мажлисида ҳамда ФАТФнинг 2007 йил июн ойида ўтказиладиган ялпи мажлисида тасдиқланади.

Ялпи мажлисда ЕОГга аъзо давлатлар ва донор ташкилотларнинг 2006 йил 13 декабрда Москва шаҳрида бўлиб ўтган 2-конференцияси натижалари тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Шунингдек, аъзо давлатлар ва кузатувчиларнинг кўрсатилаётган техникавий ёрдам самарадорлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди. Келажакда техникавий ёрдамга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда аъзо давлатларга ёрдам бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Бунда давлатлар ва донор ташкилотлар, Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-услубий марказининг имкониятларидан фойдаланилиши таъкидланди.

Ялпи мажлисда ЕОГнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 5-ялпи мажлис сўнгида ЕОГнинг режалаштирган тадбирларини ўтказиш мудатлари ва жойлари муҳокама этилди. Шунингдек, тадбирлар давомида В.Зубковнинг «Россия Федерацияси жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тизимида» номли китобининг тақдимоти ўтказилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Тадбирлар ниҳоясига етгач, Ўзбекистон вакиллари ЕОГга аъзо давлатлар делегациялари билан учрашувлар ўтказди. Уларда ЕОГга аъзо давлатларнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашувчи органларининг ҳозирги ҳолати ва улар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболи муҳокама этилди.

Бундан ташқари, 2006 йил 12 декабрда ЕОГнинг банк ва суғурта тармоғи вакиллари иштирокида жиноий йўл билан топилган маблағларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича консултациялар ўтказилди. Уларда ЕОГ раҳбарияти, ЕОГга аъзо давлатлар молиявий разведка бўлинмаларининг мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари вакиллари, шунингдек, ЕОГга аъзо давлатлар ва кузатувчиларнинг кредит-молия ва суғурта соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлари ходимлари қатнашдилар.

Саидаброр ҒУЛОМОВ,
Зоҳид ҲАТАМОВ,
Департаментнинг халқаро алоқалар бўлими масъул ходимлари

Ўтган йилдан мамнунмиз

«Huquq» газетасининг 2006 йил 27 декабр сонини ўқиб кайфиятим кўтарилиб кетди. Газетада энг фаол прокуратура ходимлари қаторида менинг ҳам исм-фамилиям қайд этилган экан. Меҳнатимни қадрлагани учун ижодий жамоага чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Ўйлайманки, «Huquq» билан янги йилда ҳам ҳамкорлигимиз давом этади.

Тўғриси, ҳар куни кўплаб қонунбузар тадбиркорлар билан мулоқот қиламиз. Уларнинг айбини бўйнига қўйиш ҳеч қачон осон кечмайди.

Юқоридаги мисоллардан бошқа минтақа ва элатларда йил тақвими бўлмаган деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Бундай тақвимлар бизда ҳам, ҳатто узоқ Американинг майя қабилаларида ҳам анча аввалроқ яратилган.

Кези келганда битта ҳақиқатни айтиб ўтиш жоиз. Биз амал қиладиган йил ҳисоби «евроцентризм» ғояси натижасида ҳаётимизга кириб келган. Аслида аждодларимиз вақт ҳисобини юритишда бутун дунёга ўрнак бўладиган мактаб яратишган. Айниқса қадимий Сўғд ва Хоразм календарлари машҳур. Сўғд календари ҳар бири 30 кундан иборат 12 та ой ва яна беш кундан иборат бўлган, Ҳар тўрт йилда бир марта беш эмас, олти кунлик қўшимча кунлар бўлган. Ойлар навсарз, ж-р-ж-н (дефислар сўзлар тўлиқ ўқилмаганини билдиради — *муаллиф*), нисан, б-сок, А-ш-н-а-х-н-з-а каби номлар билан юритилган. Шунингдек, сўғдийлар ҳар бир кунни алоҳида ном билан аташган. Ойнинг биринчи куни х-р-м-ж-д, иккинчиси ж-ҳ-и-н-р деб аталган. Сўғд ойлари ҳақида Беруний-нинг асарларида ҳам маълумот берилган.



Хоразм календарининг такрорланиш цикли ҳам деярли шунга ўхшаш, лекин ой ва кун номлари бошқача бўлган.

Календарлар ҳақида гап кетганда шарқнинг буюк мутафаккири Умар Хайёмга тўхталмаслик адолатсизлик бўларди. У 1076 йили Исфаҳон шаҳрида расадхона барпо эттиришга муваффақ бўлади ва унда кўп йил кузатиш олиб боради. Ниҳоят йил ҳисобини олиш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқади. Янги календар лойиҳасига кўра ҳар йигирма саккиз йилда еттита кабиса йили белгиланди. Саккизинчиси эса бир йил ўтказилиб, бешинчи йили нишонланади. Шу тариқа Умар Хайём тузган тақвимга биноан йил 365 сутка 5 соат 49 минут 5,5 секундни ташкил этган. Хато бор-йўғи 19,5 секунд бўлиб, 4500 йилда бир суткани ташкил этиши аниқланган. Бу календар Эронда 1079 йилдан 19-асрнинг ўрталаригача амал қилган.

Марказий Американи биринчи бўлиб ўзлаштирган испанлар бу ерда 150 дан ошиқ шаҳар, минглаб эҳромлар борлигини аниқлашган. Ёввойи қабилалар томонидан бўйи олтмиш метргача етадиган бундай иншоотларнинг қурилганлиги уларни жуда ажаблантиради. Лекин жаҳолат устун келиб, бу эҳромлар вайрон этилади. Эҳромлардан кўплаб тош иероглифлар, қўлёзма китобларнинг топилиши бу ерда қачонлардир юксак маданият бўлганини билдирарди. Китоблар шафқатсизларча ёқиб юборилади. Сақланиб қолганлари эса кўҳна цивилизация ҳақида кўп нарсани ҳикоя қилиб берди. Айниқса уларнинг йил тақвими ғаройиб эди.

Улар бир вақтнинг ўзида учта календардан фойдаланишган. Йил 260 кунли «цолкин», 360 кунли «тун», 365 кунли «хааб» деб номланган календарлар бўлган. «Цолкин»нинг қулайлиги ҳар бири йигирма кунлик ҳафталар бўлган. Шу тариқа 13 ҳафтада йил тугалланаверган. Майяликлар кунни «кин» деб юритишган. «Тун» сўзи эса ҳар бири йигирма кундан иборат 18 ойлик йил ҳисоби эди. Бу тақвимга яна беш кун қўшиб улар «хааб» календарига асос солишган. Шунингдек, майяликларда 52 йиллик цикл ҳам нишонлаб келинган. Чунки ҳар 52 йилда хааб ўлчови ва цолкин ўлчови йил бошидан ўзаро учрашганлар. Майяликлар шу тариқа йил ҳисобини тўғри аниқлашган. Хато эса 5000 йилда бир суткани ташкил этган.

«ЭРА» — ТАРИХНИНГ БОШЛАНИШИМИ?

Календар тизимини амалга киритишда унинг бошланғич нуқтасининг аҳамияти катта. Шундай нуқтадан бошланган йиллар тақвими «эра» деб юритилади. Эра лотинча «aera» — «сон, рақам» деган маънони билдирган. Масалан, мелодий йил ҳисоби Исо пайғамбар туғилганидан бошланган бўлса, ҳижрий йил ҳисоби пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг 622 йилда Маккадан Мадинага кўчишидан бошлаб ҳисобланади. Қадимги Римда дастлаб консуллар йил ҳисоби юритилган. У эрамиздан аввалги 509 йилдан бошланиб 1050 йил давом этган. Мелодий 9-асрдагина у таъқиқланган. «Римга асос солиниши эраси» эса эрамиздан аввалги 753 йил 21 апрелдан бошланади. Эрамиздан аввалги 747 йил эса Мисрда нобанасор эрасига асос солинади.

Яқиншарқда эса салавкийлар эраси анча кенг тарқалганди. Маълумки, Селевк Александр Македонскийнинг лашкарбошиларидан бири эди. У Македонскийдан кейин катта ҳудудда ҳукмдорлик қиларди. Унинг подшоҳликка келишидан бошлаб бу минтақаларда янгича ҳисоб юритила бошланган.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ
интернет хабарлари асосида тайёрлади

Янги йил удумлари

Янги йил энг қадимий байрамлардан саналади. Хўш, уни биринчи бор кимлар ва қачон нишонлаган деган савол қилиши табиий. Бугунги кунда бу борада турли тахминлар илаяпти. Ҳозиргача бундай маълумотларнинг учтаси энг муҳим тахмин сифатида эътироф этилмоқда. Дастлабки маълумотларда айтилишича, хитойликлар янги йилни бундан 1000 йилдан олдинроқ расман байрам сифатида нишонлаб келишган. Қадимги немислар ҳам янги йилни йил алмашинуви сифатида байрам қилишган экан. Уларда қиш ноябр ойининг ўрталарида бошланган. Бу вақтга келиб деҳқонлар ҳосилни йиғишга киришганлар, кечкурун эса ҳамма байрам тадбирига жам бўлган. Сўнгги тахминга кўра, римликлар учун янги йил янги ҳаёт ва келажакка умид сифатида 1 январда байрам қилинган.

Умуман, янги йилни бутун дунё халқлари ўзгача кайфиятда нишонлайди. Ҳеч бир халқ йўқки, янги йилни тантана қилмаса. Фақат ҳар бир халқнинг бу борада ўз анъана ва удумлари борки, унга кўра байрам турли вақтда турлича кутиб олинади.

ИНДОНЕЗИЯДА янги йил икки марта нишонланади. Биринчиси европа удумлари бўйича, кейингиси ислом анъаналари асосида ўтказилади. Мамлакатнинг Бали оролида байрам тантаналари ҳозир ҳам давом этаётган бўлиб, 10 кун нишонланади.

МАРОКАШ халқи ислом динининг биринчи ойи —муҳаррамнинг 10-куни янги йилни байрам қилади.

Филиппин каби **БИРМА** ва **ТАИЛАНДДА** ҳам янги йил энг иссиқ даврда байрам қилинади. Шу боис одамлар бир-бирлари билан кўришганда сув сепиб қарши оладилар. Бу удум янги йилда бахт ва омад белгиси саналар экан. Бирмада янги йил тадбирлари биринчи апрелдан нишонланади. Бир ҳафта давомида мамлакатда «тинжан» суви фестивали ўтказилади.

Шарқий Осиёнинг айрим мамлакатлари, хусусан Вьетнам, Камбожа, Корея ва Мўғулистоннинг айрим ҳудудларида янги йил байрамининг бевосита кўрки сифатида турли қиммматбаҳо нарсалар билан безатилган хаскаш тан олинган. Манбаларга кўра, айнан шу асбоб билан янги йил кечасида одамлар бахтни йиғиб оладилар. Бу ерда янги йил бозорлари ҳар доимгидан гавжум бўлади. Бозорларда кийим-бош, озиқ-овқат, қимматбаҳо тақинчоқлар ва совғалардан ташқари ҳатто бахт, орзу ва умидларни «сотиб» олиш мумкин.

КАМБОЖАДА янги йил дастурхонини ойна яқинида безатиш одати бор. Дастурхонга оила аъзоларининг севимли ширинликлари тортиқ қилинади.

ТИБЕТДА яшовчиларда эса жуда ажойиб янги йил удуми бор. Уй бекалари жуда кўп миқдорда ичига турли нарсалар солинган сомсалар пишириб, таниган-танимаган одамларга улашадилар. Гап шундаки, удумга кўра қанча кўп сомса пишириб тарқатсанг, шунча бой бўласан.

ЭРОНДА янги йил байрами 21 март — баҳорнинг биринчи кунига тўғри келади. Бу байрам наврўз деб аталади. Мазкур миллий байрам нишонланаётганига ҳам 2500 йилдан ошди. Бу куни дастурхонга еттита кичкина тарелка қўйилади, уларнинг ичидаги нарсалар, мевалар, ун ва бошқа ширинликлар табиатнинг турфалигини англатади. Шунингдек, сув тўла коса ҳам қўйилади, унга олтин рангли балиқча солиб қўйилган бўлади. Дастурхоннинг шу кунги анъанавий буюми ойна ва бўялган бир нечта тухумдир. Тайёрланган бу нарсаларнинг барчаси бир сўз билан ҳафтсин дейилади. Бу сўзнинг таржимаси форс тилида еттита «с» маъносини англатади. Гап шундаки, дастурхонга қўйилган нарсаларнинг барчаси «с» ҳарфидан бошланади.

АФҒОНИСТОНДА эса янги йил байрами буюк кунтенглигига тўғри келади. Анъанага кўра, қишлоқ оқсоқоли далага чиқиб, биринчи бўлиб ер ҳайдайди. Унинг ортидан қишлоқнинг бошқа кўзга кўринган фуқаролари ишни давом эттиришади. Спиртли ичимликларни ичиш қонун билан таъқиқланган, шу боис уларнинг ўрнини ширинликлар босади.

ВЬЕТНАМЛИКЛАР янги йилда катта гулханлар ёқиб, уларда гуручдан тайёрланган ноз-неъматларни пиширишади. Янги йил кечаси кўлларга тирик балиқларни қўйиб юбориш удуми сақланган. Ушбу кечада ҳар қандай низолар унутилади. 10 феврал куни вьетнамликлар иккинчи бор тет байрамини (Вьетнам янги йили) нишонлайдилар. Бироқ, байрамнинг аниқ санаси йил сайин ўзгариб туриши мумкин. Бу байрам хитойликларнинг янги йилига жуда ўхшаб кетади. Одатга кўра, шу куни жуда барвақт туриш лозим. Аёллар Вьетнам байроғи рангидаги қизил ва сариқ рангли матолардан тикилган либосларни, эркаклар эса қора рангли либосларни киядилар. Шу куни эрта билан маҳаллий черковга борилади, у ерда аҳоли гуруч, ловия ва чўчқа гўштли сомсаларни истеъмол қилади. Байрамнинг эртасига эса тет байрами фестивали ўтказилади.

ХИТОЙЛИКЛАР янги йил келишини йилда икки бор байрам қиладилар. Биринчиси 1 январда нишонланади, кейингиси Хитой календари бўйича 23 январ ёки 19 февралда тантана қилинади. Янги йил байрамида Хитойга бориб қолганларнинг нигоҳи биринчи бўлиб нур дарахтига (арчанинг хитойча талқини) тушиши аниқ. Шу куни ғийбат гапларни гапириш, ҳақоратли сўзларни ишлатиш мумкин эмас. Ҳозир ҳам Хитой кўчаларида товланиб турган минглаб чироқларни кўрасиз. Анъанага кўра, хитойликлар шу тарзда янги йилнинг кириб келишини кўчаларни ёритиб кутиб оладилар. Ёвуз руҳларни уйга киритмаслик учун улар янги йил кечаси ойна ва эшикларга қоғоз ёпиштириб чиқишади, уларни қўрқитиб ҳайдаш учун эса мушаклардан фойдаланишади. Бошқа миллатлар каби хитойликлар байрамга тайёрланишни бир неча кун аввал бошлашган эди. Байрам арафаси ва ундан кейин ҳам улар дўконларга таштриф буюришади, хонадон, иш жойларини тозалайдилар. Янги йил кунлари удумга кўра бинолар, хонадон ва бошқа жойлар тозаланган бўлиши лозим, чунки шундагина ўша ерда яшовчи, ишловчиларга омад кулиб боқади. Янги йил байрами Хитойда «Hong вао» (Қизил пакет) деб аталади. Бу куни анъанага кўра, оилалилар ўз фарзандларига ва оила қурганларга пул солинган қизил конвертлар улашишади. Одамлар аввал қариндошлари, сўнг қўни-қўшнилари ва бошқа танишларини табриклайдилар. Шу куни ҳатто ашаддий душманлар ҳам низо ва ҳақоратларни унутиб ярашишлари лозим. Янги йил байрами чироқлар фестивали билан якунланади. Фестивалда барча кўчалар чироқ кўтарган одамлар билан гавжум бўлиб, бу ҳолат бир неча соат давом этади.



МЎҒУЛИСТОНДА янги йил Европадагидек арча атрофида нишонланади. Бироқ, мўғул қорбобоси болаларнинг олдига қизил тўнда эмас, балки чўпон либосида кириб келади. Янги йил байрами куни турли мусобақалар ўтказилиб, уларда барчанинг эпчиллиги, кучи ва уддабуронлиги синалади. Бунга сабаб, янги йил Мўғулистонда чорвачилик байрамига тўғри келганидадир.

ЯПОНИЯДА эса антиқа анъана мавжуд. Унга кўра, янги йил арафасида японлар бир-бирларига байрамга бағишланган ҳайвонларнинг расми туширилган табрик хатларини совға қилишади. Шунингдек, улар бошқа рамзий совға ва ўйинчоқларни ҳам улашишади.

Япон уйининг янги йил арафасидаги асосий безакларидан бири кадомацу (япон дарахти)дир. Ушбу дарахт асосан остонага қўйилади. Японияда янги йил арафасини «олтин ҳафта» деб ҳам аташади. Ушбу даврда кўплаб муассаса, фирма ва давлат ташкилотлари, катта универмаглар фаолияти тўхтатиб турилади. Ҳатто банклар ҳам декабрнинг сўнгги куни соат 12 гача ишлайди, бунинг сабаби янги йилнинг илк уч куни расман дам олиш кунлари деб эълон қилинганидадир. Эски йилни кузатишнинг анъанавий усули сифатида ресторанларга бориш ҳамда турли қабулларни ўтказишдир. Янги йил кириб келганда японлар кула бошлайдилар. Уларнинг фикрича, кулги кириб келаётган йилда уларга омад олиб келади.

Биринчи янги йил кечаси бутхоналарни зиёрат қилишади. У ердаги қўнғироқлар билан 108 та бонг уришади. Японларнинг айтишича, қўнғироқларнинг ҳар бир бонги билан янги йилда барча ёмонликлар йўқолиб кетади. Ёвуз руҳларни ҳайдаб юбориш учун японлар уйлари остонасига бир ҳовуч сомон осиб қўядилар. Уйининг кўзга кўринадиган жойида бахт, узоқ умр ва тўкинлик рамзи саналган гуручли нонлар, уларнинг устига мандаринлар қўйишади. Японияда янги йил байрами биринчи январ куни нишонланади.

МАЛАЙЗИЯДА расман янги йил байрами нишонланмайди. Бироқ, сўнгги вақтда ушбу мамлакатга сайёҳлар ташрифи кўпайгани боис катта меҳмонхоналар эгалари улар учун, айниқса ғарб давлатлари вакиллари учун янги йил байрамини уюштирмоқдалар.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА келсак, бу давлат ривожланган иқтисодиётга ва бой қадимий меросга эга. Шунга кўра, Жанубий Корея қўшни давлатларга маданий соҳада ўзининг таъсирини кўрсатади. Мазкур давлатда янги йил байрамини нишонлашда ғарб ва шарқ анъаналари қўшилиб кетган. Бу ерда янги йилни кутиб олишнинг ҳам хитойча, ҳам европача усуллари кенг тарқалган.

Қисқа қилиб айтганда, янги йилни ҳар бир халқ ўзгача шодиёна ва кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Бир қатор мамлакатларда эса уни кутишга тайёргарлик кўрилаяпти. Барча халқлар учун эски йилни қандай кузатсанг янги йилни шундай кутиб оласан деган қараш муштараклигига амин бўламиз.

С.ТОЙИРОВ тайёрлади

Иблиснинг ҳалокати

Бугун чумолига озор етказган бола эртага ёнидаги одамларга нисбатан меҳрсизлик қилса ажабланиш ноўрин. Меҳрсизлик бор жойда эса ёмонлик иллатлари урчийди...

Ҳосил Исоқов қирчиллама йигит ёшида. Бироқ унинг ишга, терлаб нон топиб ейишга тоқати йўқ. Қорни тўйса бўлди. Шунга шукур қилса ҳам кошки эди. Текканга тегиб, тегмаганга тош отадиган одати бор. Илгари уч марта судланиб, қамоқда ўтириб чиққанлигининг сабаби ҳам шу. Букрини гўр тўғрилайди деганлари рост экан. У қамоқда ўтган умрига ачинмади, хулоса чиқармади. Ҳеч ким уни яхши одам демайди, таниганлар четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Дўстёронлари аллақачон юз ўгириб кетишган. Соғлиғи яхши эмаслигига қарамай ичкиликка берилган. Оиласига ҳам тирик товон. Икки боласининг тақдирини ўйламайди. Хотини бечора ўлиб-тирилиб ишлайди, эрининг нотавон, ношукурлигига қарамай, бобоҳ, ўзича бир нималар деб ўтирибди. Ҳосил уни нишонга олди. Оралиқ масофа яқин эди.

– Ҳей, Аҳад, — деди-ю қалқий-қалқий тепкини босди...

Ўқ овози томорқа атрофидаги дарахтларга келиб қўнаётган қушларнинг тинчини бузди, улар потирлаганча ҳар томонга учиб кетишди. Итлар ҳурди. Худди шу маҳал эрининг келишини кутганча деразага қараб ўтирган Наргизанинг юраги шиғ этиб қўйди. Ёнидаги беланчакда ухлаётган боласи безовталаниб йиғлади. Хавотир билан кўчага чиқиб қаради. Қўшни болалардан бири ўтиб бораётган экан.

– Аҳад акангизни кўрмадингизми? — деб сўради боладан. – Ҳозир келаман деб чиқиб кетувди.

Бола кўрмаганлигини айтди.

Қилиб қўйган ишидан дахшатга тушган Ҳосилнинг қўлидаги милтиқ тушиб кетди. Бояги шаштидан асар ҳам қолмади. Диридир қалтираб капа ичидаги сўридан ағдариб тушганча ётган Аҳаднинг устига келди. Ўқдан чап томони титилиб кетган Аҳаднинг кўзлари, оғзи очиқ, лекин қилт этмасди. Аста бир қўлидан ушлаб тортди.

– Аҳад, Аҳад, тур, — дея олди базўр.

Унда эса жон асари қолмаган эди. «Ўлибди, ўлдириб қўйибман» — шууридан шу ўй ўтди. Бирортаси кўриб қолмасин деган ниятда капа ичида хирагина нур бериб турган чироқни ўчирди. Сўридаги эски шолчани олиб жасаднинг ёнига ёзди. Кейин унинг чўнтакларини шоша-пиша ковлаб чиқди. Ҳеч нарса тополмагач шолча устига судраб, айлантириб ўради. Шолчанинг икки жойидан боғлади. Ўпкаси оғзига тиқилгандай ҳансираб, шолчани судраб кетди. Йигирма қадамча нарида томорқасига сув кирадиган ариқ бор эди. Унинг чуқурроқ ерини ковлай бошлади. Ярим соатда белидан келадиган чуқурни ҳозирлаб бўлди. Жасадни чуқурга ташлаб, чиқарган тупроғи билан кўмди. Шундан сўнг сал хотиржам бўлиб, нафасини ростлади. Ариқнинг бироз кетмон теккан жойини ҳисобга олмаса, бу ерга одам кўмилгани мутлақо сезилмасди. У жиноятидан бирорта ҳам из қолдирмасликни ўйларди. Жасад кўмилган ариққа сув очди. Кейин милтиқни эски жойига яширди. Сўрини ағдариб қўйди. Тун қуюқлашганда уйига қайтди...

Ухлолмади. Тонгни бир амаллаб оттирди, лекин ўрнидан турмади. Назарида ҳозир милиция ходимлари келади-ю қўлига кишан солишади. У ёғи маълум...

Кун ёйилди. Тинчлик. Милиция ҳам келмади, демак қилмишини ҳеч ким сезмаган.

Аста ўрнидан турди. Томоғи тақиллаётган эди. Юз-қўлини чала-чулпа ювиб дўконга ғириллади. Бир шиша вино олиб қайтаётган эди, қўшниси учраб қолди. Уни кўярда-кўймай уйга судради. Винони ичишди...

Ҳосил томорқасига келганида ўғли Озод қозиқдаги молни силжитаётган экан. Олдин Аҳаднинг жасади кўмилган жойни бориб кўрди. Ҳаммаси жойида, билинмайди. Ҳар эҳтимолга қарши ариққа яна сув очиб қўйди. Кейин капани кўздан кечирди. Ердаги қон доғларини кетмонда қириб йўқотди. Қон доғлари сўрида ҳам бор экан, ювиб чиқди. Қанча уринмасин қон изини кеткиза олмади. Шунда калласига бир фикр келиб қолди.

– Озод, — деб чақирди ўтлаётган молига қараб ўтирган ўғлини, — буёққа кел.

Ўғил капа ичида гўддайиб турган дадасининг ёнига югургилаб келди.

– Бор, катакдаги товуқдан битта олиб кел, пишириб ейимиз.

Бола югуриб бориб, югуриб келди. Ҳосил унинг қўлида потирлаб турган хўрозни олиб:

– Бор, ишингни қилиб туравер, ўзим чақираман, — деди. Ўғли кеттач, хўрозни сўйиб, бўйнидан оқиб турган қонини сўридаги қон изларига суртиб чиқди. «Энди топиб бўпти» деб қўйди ичида.

...Наргиза ҳам ўша тун ухламай чиқди. Ғўдаги билан қўни-қўшнилардан, гузардаги одамлардан эрини суриштирди. Ҳеч ким кўрдим демас эди. Эри игна эмаски, йўқолиб қолса. Эрталаб Бўз туманига, онасиникига йўл олди. Эрининг зарур иши бўлса, индамай кетиб қолгандир деб умид қилган эди. Йўқ, ёлғиз шу умиди ҳам чилпарчин бўлиб қайтди. Энди эрини кимдан сўраб, қаердан изласин? Милициягa хабар берсинми?.. Шундай ўйлар билан бўзлаб турган пайтида эрининг ўртоқларидан бири: «Кеча кечки пайт Ҳосил билан кўрувдим», — деб қолди. Наргиза Ҳосилникига чопти. «Томорқада эди», — деди Ҳосилнинг хотини ва кўнгли ниманидир сезди.

Ҳосил капанинг салқинида ширакайф ётган эди. Аёл кишининг шовқини эшитилди. Туришга улгурмади, рўпарасида ғўдагини бағрига босган Наргиза пайдо бўлди.

– Кеча эрим сиз билан бўлган экан, ўшандан бери йўқ, — деди аламнок қиёфада жувон. – Қани, қаёққа кетди?

– Билмайман, мен кўрганим йўқ эринингизни, — деди Ҳосил ичида қалтироқ тутаётган бўлса-да, ўзини бепарво тутишга уриниб.

– Икковингизни бирга кўришибди, — деди Наргиза ва бу ҳақда айтган йигитнинг номини тилга олди. – Ҳозир обкелиб, юзлаштираман!

Бу гапни эшитган Ҳосил эсанкираб қолди. Ҳа, аёл айтган йигит уларни кўрган эди. Тилига келган гапни қайтармади:

– Ҳа, кундузи ариқ бўйида кўргандим.

– Кундузи эрим уйда эди, кечки пайт чиққан, холос, — деб унинг гапини кесди аёл. – Нимага алдаяпсиз, тўғрисини айтинг!

Ҳосил тош қотди. Аёлни ишонтирадиган гап топишни ўйлай бошлади. Эсига тушди. Аҳад ўтирган пайтларида «Тошкентга ишлагани кетсамми деб турибман» деган эди.

– Ҳа, кўрувдим, Аҳад Тошкентга ишлагани кетган, — деди ўйлаб топган ёлғонидан мамнун бўлиб. – Биров билмасин деганди.

Наргиза Ҳосилнинг гапларига ишонмади...

Ёзёвон тумани Янгиобод қишлоғи «Тинчлик» маҳалласида яшовчи Ҳосил Исоқов ёвуз қилмишини яширмоқчи бўлган эди, янглишди. 2006 йил 23 июн куни содир этган жинояти икки кун ўтмай фош этилди. У қилмишини бўйнига олди.

Кўмилган жойидан олинган А.Қодировнинг жасади экспертизадан ўтказилганда юрак ва чап ўпка титилиб кетиши натижасида ўлим юз бергани, қони таркибида 5 проммиле этил спирти борлиги маълум бўлди.

Ҳ.Исоқов сурункали алкоголизмдан даволанишга муҳтож деб топилди. Милтиқни ноқонуний сақлаб юргани маълум бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг ҳукми билан қотил узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Тожихон ШЕРҚУЛОВА,
Ёзёвон туман прокурори
Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист

Умидларни саробга йўйиб...

Файласуфларнинг айтишича, яшаш – ўлим остонасида туриб ҳаёт китобини варақлаш демак. Мавзуни бироз қалтисроқ қўйганимиз учун газетхондан узр сўраймиз ва бу баъзи маънавияти саёз, иродаси бўш, айни пайтда бағритошларнинг адолатсизлигидан ночорлик сезаётган кимсаларга лозим деб биламиз.

Олима ва Равшан (исмлар ўзгартирилган) биринчи учрашувдаёқ бир-бирларига илиқлик туйғандилар. Йўл узоқ бўлгани билан кўнгил яқин бўлса, масофа тўсиқ бўлолмас экан. Каттакўрғонлик қиз ва когонлик йигит ахду паймон қилиб турмуш қурдилар. Элга камтаргина тўй қилиб беришди. Аммо бу никоҳни қонуний рўйхатдан ўтказишни кейинга суришди. Ёшларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Икки томоннинг ҳам инжиқлиги муносабатларга дарз етказа бошлади. Оила омонат бўлиб қолди. Эр таънадан, хотин эса араздашдан қолмасди. Икки йил бурун фирибгарлик ва ўғирлик иснодини орттириб судланган Равшан Олимани топган кезларида ҳаётининг изга тушганидан қувонганди. Начора, ҳаёт мураккаб. Сени эртага нима кутаётганини билмайсан. Олима ҳам умидларини саробга йўйиб, ўз жонига қасд қилди.

Равшаннинг тергов ва суд жараёнида берган кўрсатмасидан: «12 феврал куни Олима онамникига кетаман деди. Мен бормайсан дедим. Тортишиб қолиб, юзига бир тарсаки урдим. У кўчага қочди. Орқасидан чиқувдим, қўшниларим тинчитишди. Шу куни у милициядa устимдан арз қилибди. Милиция текширув ўтказгач, 22 март куни туман судига чақиришди... Мен жарима тўлаб, ишхонамга кетдим. Соат 20 ларда телефон қилиб, Олима ўзини осганлигини айтишди...

Қилган ишларимдан пушаймонман...».

Вазиятнинг бу қадар таранглашиб кетишига нималар сабаб бўлди? Ота-оналарнинг фарзандларини бахтли кўриш орзулари нега саробга айланди? Пайғамбаримиз икки тоифа кимсалардан ҳазар қиламан деган экан. Бири — мол дунёни яхши кўрган, иккинчиси — ўлимдан чўчиганлардан.

Олимадайлар қаноти бор-у учиш истаги сўнган қушга ўхшайди. Уларнинг аҳволига фақат ачинасан. Эр кишига оила устуни бўлишни оллоҳ ато этган экан, Равшан бунинг уддасидан чиқмади. Ахир беш кунлик дунёда меҳр-оқибат билан, ўзаро ҳурмат билан яшашга нима етсин.

Юсуф НАЗАРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

Турмуш сабоқлари

Инсон ҳаётидаги энг бахтли саналардан бири никоҳ тўйи бўлган кундир. Йигит ва қиз вояга етиб, турмуш қуришар экан, кексалар «илоё, ували-жували бўлишсин, ўзларидан кўпайишсин, аҳил-иноқ, тинч-тотув яшашсин» деб дуо қилишади. 2000 йил апрел ойининг фараҳли кунларидан бирида нукуслик Дониёр Эшбоев ва элликқалъалик Нигора Жиянмуродованинг тўйи бўлган, қариндош-уруғ ва ёр-биродарлари уларга энг эзгу тилакларини билдиришган эди.

Дарҳақиқат, дастлабки йиллари уларнинг турмуши яхши кечди. Бирин-кетин икки қизли бўлишди. Қорақалпоқ давлат университетида ўқиб юрган кезлари танишиб, бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш орзулари ушалаётганидан хурсанд эдилар. Бироқ, ҳаёт фақат байрамлардан иборат эмас. Унинг ўзига хос синовлари, қийинчиликлари борки, уларни гоҳида сабот билан енгиб ўтишга тўғри келади. Мана шу фазилат Дониёрда етишмаган кўринади. У хотинини «нега ишхонангдан маошингни вақтида олмайсан, нима учун томорқага яхши қарамайсан» қабилидаги саволлар билан жеркиб, жанжал чиқаришни одат қилади. Айниқса, Нигоранинг учинчи ҳомиласи туғилгани учун у хотинини ҳақоратлаб хўрлашларига асос деб ҳисоблайди. Бунга чидай олмаган Н.Жиянмуродова 2006 йил 29 май куни Бўстон шаҳрида яшовчи ота-онасиникига келиб, тунги соат ўн яримларда ўзига ўт қўйиб юборади. Элликқалъа туман марказий касалхонаси шифокорларининг муолажаларига қарамай Н.Жиянмуродова 4 июн куни вафот этади.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилиб, хотинини ўзига суиқасд қилиш даражасига етказган Д.Эшбоев суд ҳукмига биноан қонуний жазосини олди.

Одатимизга кўра марҳумлар ҳақида ёмон гап айтилмайди. Аммо Н.Жиянмуродованинг қилмишини ҳам оқлаб бўлмайди. Ҳатто муқаддас ислом динида ўз жонига қасд қилиш энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Дониёр ва Нигора тарбияланган оилаларда инсон қадр-қиммати, ҳаёти, турмуш сирлари ҳақида етарлича сабоқ берилганида, эҳтимол бу фожеа содир бўлмасмиди...

Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой «Анна Каренина» романида «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир» деб ёзган эди. Турмуш қуриш арафасида турган ёшларимиз юқоридаги воқеадан тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

Ф.АЛЛАМБЕРГАНОВ,
Элликқалъа туман прокурори

Қилмишга баҳо берилади

Исроил армияси бош қўмондони Дан Халуц сешанба куни баёнот бериб, лавозимидан муддатидан олдин кетмаслигини маълум қилди, деб хабар қилади «AFP». Таъкидлаш керакки, Халуц 2006 йилнинг июл-август ойларида Ливан жанубида «Ҳезболлоҳ» гуруҳига қарши олиб борилган 34 кунлик урушда бир неча марта танқид қилинганди. Мазкур уруш давомида 160 та исроиллик ҳамда 1200 нафар ливанлик қурбон бўлган. Айни дамда махсус комиссия Исроил ҳарбийларининг Ливан урушида амалга оширган ҳаракатларининг қонунийлиги юзасидан тергов олиб бормоқда.

Тақсимотда тенглик зарур

Душанба куни Беларус бош вазири Сергей Сидорский 2007 йилнинг январ ойида Россия билан нефтнинг экспорт божини тақсимлаш борасида шартнома имзоланишини билдирди. Бироқ, ушбу шартномада нефт божини тақсимлаш фоизи томонлар ўртасида қандай белгиланиши масаласига Сидорский аниқлик киритмади. Эслатиб ўтиш жоизки, Беларус заводларига қайта ишлаш учун келтириладиган Россия нефтига 2006 йил декабр ойида имзоланган қарорда белгиланган экспорт божи қўйилиши лозим. Ушбу қарорга мувофиқ Россия томони олинадиган фойдадан Беларусга 85 га 15 фоиз нисбатни таклиф этган. Бироқ, ўз навбатида Беларус фойда тақсимотини 50 га 50 қилиб бўлишни таклиф этган. Кейинроқ эса Беларус бош вазирининг ўринбосари Владимир Семашко Минск 40 фоизга ҳам рози эканлигини билдирган, деб хабар қилади «РИА-Новости» ахборот агентлиги.

Россия раҳбарлик қилади

Янги йилнинг дастлабки ойида БМТнинг Хавфсизлик кенгашига Россия раҳбарлик қилишни бошлади. БМТнинг расмий сайтида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда етакчи салоҳиятга эга бўлган ташкилот кенгашига раҳбарликни унинг доимий аъзоси бўлган Россияга топширилганлиги таъкидланган. Феврал ойида бу вазифани Словакия зиммасига олади. Куни кеча Россиянинг БМТдаги доимий вакили В.Чуркин Хавфсизлик кенгаши аъзолари билан икки томонлама музокара ўтказди. Шу билан бирга, у БМТ бош котиби Пан Ги Мун билан учрашди. Жанубий кореялик янги раис учун бу учрашув биринчи мулоқот бўлди. Эслатиб ўтиш жоизки, Пан Ги Мун мазкур лавозимни расман жорий йилнинг биринчи январидан бажаришга киришди. У бош котиблик лавозимини сўнгги ўн йил давомида БМТга раҳбарлик қилган Кофи Аннандан қабул қилиб олган. В.Чуркиннинг гапига қараганда бош котиб билан учрашув жуда самарали ўтиб, унда 8 январ куни Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлисида «Дунё тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид» мавзусини муҳокама қилишга келишилди.

Сайловолди ташвиқоти

Туркманистонда президентлик сайлови олдидан ташвиқот компанияси бошланди. Мустақилликдан буён илк бор муқобиллик асосида ўтказилаётган сайловда мамлакат парламентининг махсус йиғилишида танлаб олинган олтита номзод давлат бошлиги лавозими учун курашади. Уларнинг барчасига тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун тенг миқдорда маблағ ажратилган ва сиёсий дастурларини тушунтириб бериш учун маҳаллий ОАВда бир хил вақт белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, Туркманистонда навбатдан ташқари президентлик сайловини ўтказиш 2007 йилнинг 11 февралига мўлжалланган. Ҳозирги сайловда, кузатувчиларнинг фикрича, вақтинча президент вазифасини бажараётган Қурбонқул Бердимуҳаммедов ғолиб чиқиши мумкин, деб хабар қилади «France presse» ахборот агентлиги.

Совға кимнинг ҳисобидан?

Грузия президенти Михаил Саакашвили янги йилда унга берилган совғалар учун ҳукумат аъзолари давлат бюджетидан маблағ сарфлаганига норозилик билдирди. Ўрнак сифатида Саакашвили АҚШ президентининг табрик хатини кўрсатди, ундаги иловада Саакашвилига жўнатилган совға республикачилар партиясининг хусусий жамғармаси маблағига сотиб олинганлиги ёзиб қўйилган. Ҳукуматнинг янгийилолди йиғилишида Грузия раҳбари мамлакатнинг турли вазирликлари ҳамда муассасаларидан олган совғаларини стол устига қўйиб, Грузия ҳукумати аъзолари Қувайт шайхлари эмаслигини ва бу пуллар аҳолининг турмуш даражасини ошириб, бошқа зарурий нарсаларга ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, Саакашвилининг баёнотига изоҳ берган ҳукуматнинг айрим аъзолари ҳеч кимга ҳеч қандай совға бермаганлигини, табрикларни эса сарф-харажатга йўл қўймаслик учун электрон почта орқали тарқатганларини маълум қилишди, деб хабар қилади «Новости-Грузия» ахборот агентлиги.

Айирмачилар исёни



Сешанба куни бир гуруҳ кишилар Испания шимолида жойлашган Абадино шаҳридаги меҳмонхонага турли суюқликларни отишган. Таъкидлаш керакки, мазкур шаҳар басклар диёрида жойлашган бўлиб, бу ерда баск айирмачиларининг тарафдорлари талайгина. Мазкур воқеа натижасида қурбонлар бўлмаган, бироқ меҳмонхонага жиддий зарар етган. Ушбу тартибсизликлар Испания ички ишлар вазири Алфредо Перес Рубалкабанинг басклар диёрида тинчлик жараёнига барҳам берилганлиги ҳамда бундан буён кескин чоралар қўлланиши ҳақидаги баёнотидан сўнг рўй берган. Вазирнинг гапига қараганда, тинчликни қарор топтириш жараёнининг тўхташига басклар-нинг «ЭТА» гуруҳининг 2006 йил 30 декабрда Мадриднинг Барахас аэропортида амалга оширган террорчилик ҳаракати сабаб бўлган. Аэропортдаги портлаш оқибатида 31 киши жароҳатланган, яна 2 киши дом-даракси йўқолган. Эслатиб ўтиш жоизки, 2006 йилнинг март ойида «ЭТА» гуруҳи Мадриддаги марказий ҳукумат билан муроса қилишга тайёр эканлигини билдирганди. Шундан кейин қуролли тўқнашувларга барҳам берилгани билан тинчлик музокаралари қайта-қайта ортга суриб келинган эди. Мадрид аэропортидаги воқеадан сўнг эса Испания ҳукумати «ЭТА» билан алоқани умуман узди. Мана, 38 йилдирки, басклар айирмачилик гуруҳи бўлмиш «ЭТА» Испания шимоли ҳамда Франциянинг жануби-ғарбий қисмида мустақил басклар давлатини ташкил этиш учун қуролли кураш олиб бормоқда. Шу давр мобайнида 800 дан ортиқ киши айирмачиларнинг қурбони бўлган, деб хабар қилади «AFP».

Фирибгарлик ўтмайди

Исроил полициясининг фирибгарликка қарши курашиш бошқармаси мамлакат бош вазири Эҳуд Олмертнинг девонхонаси раҳбари Шула Закен ва солиқ бошқармасининг бир қатор мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатди, деб хабар қилади «AFP». Шула Закен пора берганликда ҳамда солиқ хизматига мансабдорларни тайинлаш чоғида лавозимидан фойдаланганликда айбланаяпти. Терговчиларнинг тахминига кўра, Закен хоним керакли номзодларни илгари суриб, ўзи ҳамда қариндошлари учун каттагина солиқ имтиёзларини қўлга киритган. 2 январ куни Закен хоним полициячилар томонидан сўроқ қилинган, шундан сўнг уни 10 кунга вақтинча уй қамоғида сақлаб туришга келишилган. Бундан ташқари, Шула Закенга икки ой давомида бош вазир девонхонасига бориш ҳамда мамлакатни ўзбошимчалик билан тарк этиш ман этилган. Таъкидлаш лозимки, Шула Закен 30 йилдан буён Эҳуд Олмертнинг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиб келмоқда.

Вертолёт ҳалокати

Сешанба куни Калифорния штатида АҚШ миллий гвардиясига қарашли вертолёт ҳалокатга учради, деб хабар беради АР. Мазкур авиаҳалокат Мексика билан чегарадош Сан-Диего шаҳри яқинида содир бўлди. Унинг бортида 9 киши бўлган, маълумотларда айтилишича, экипаж аъзоларининг барчаси омон қолган. Улардан беш нафарининг аҳволи ўта оғир бўлиб, шифохонага ётқизилган. Ҳар доимгидек вертолёт ҳарбийларни узоқ чегара участкасига олиб кетаётган эди. Ҳозир ҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.

Ўлим жазосига қарши

Сешанба куни Италиянинг БМТдаги элчиси Марчелло Спатафора Италия ҳукуматининг ўлим жазосига жаҳон миқёсида мораторий киритиш таклифини Хавфсизлик кенгашига ҳавола этди, деб хабар қилади «ANSA» ахборот агентлиги. Мазкур таклиф Италиянинг ташкилот доирасидаги биринчи мурожаати бўлди. 2007 йилнинг 1 январидан Италия БМТнинг Хавфсизлик кенгашига вақтинча аъзо сифатида икки йиллик фаолиятини бошлаб юборди. Таъкидлаш керакки, Италия доим ўлим жазосига қарши чиққан давлатлардан саналади, 1994—1995-йилларда ҳам Италия БМТ бош ассамблеясида ўлим жазосига мораторий киритиш таклифини илгари сурганди. Шунингдек, Италиянинг ҳозирги бош вазири Романо Проди Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайннинг 2006 йил 30 декабрда амалга оширилган қатлини кескин танқид қилди.

Қувурдаги портлаш

Самара-Лисичанск нефт қувурида катта авария рўй берди. Натижада Саратов вилоятининг беш гектар ери 150 тонна нефт остида қолди. Ивантеев туманининг Братский қишлоғи яқинида қувур ёрилиб кетганлиги боис атроф муҳитга жиддий зарар етган деб хабар қилади «РИА-Новости». Айни дамда таъмирлаш ва тозалаш ишлари олиб борилмоқда, авария сабаблари ўрганилаяпти.

Космосга тайёргарлик

2008 йилда Жанубий Корея ўзининг биринчи космик ракетасини фазога учиради. Демакки, Жанубий Корея фазони забт этган тўққизинчи давлатга айланади. Ракета дастурининг якуний босқичига ўтилиши ҳақида фан ва технология вазирининг ўринбосари Хван Пансик хабар қилди. Тахминларга кўра, «Korea space launch vehicle» ракета ташувчиси ер орбитасига оғирлиги юз килограммча бўлган илмий ва метереологик тадқиқотларни олиб борадиган сунъий йўлдошни олиб чиқади. Конструкциянинг биринчи босқичига Россиянинг «Ангара» ракета ташувчи ракетаси асос қилиб олинган. Иккинчи босқич эса аэрокосмик тадқиқотлар институтининг лойиҳасидир. Мамлакат жанубида барпо этилган космик марказ 90 фоиз тайёр. Мазкур марказнинг қурилиши 2000 йилда бошланган бўлиб, ҳозиргача унга 285 миллион АҚШ доллари сарфланган. 2007 йилдан 2010 йилгача Жанубий Корея космосга тўққиза сунъий йўлдошни учиришни режалаштирган. 2008 йилда биринчи жанубий кореялик космонавт халқаро космик станциясига йўл олади.

Ҳарбийлар кўпаяди

АҚШ 2007 йилда Ироққа қўшимча ҳарбий қўшинларни киритишини маълум қилди. «BBC News»нинг маълум қилишича, бу қадам 2007 йил январ ойининг ўрталарида АҚШ президенти эълон қилиши мўлжалланаётган стратегиянинг биринчи босқичидир. Буш маъмурияти вакилининг гапига қараганда, киритилаётган ҳарбийлар асосан мамлакатда тартибни сақлаш билан шуғулланади. Аввалроқ АҚШ Ироққа ўз қўшинларини тайёрлашга ёрдам бериши кутилганди, бироқ Оқ уй раҳбарининг қарори барча учун янгилик бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра, Ироқда ҳар ойда тахминан мингта яқин тинч аҳоли вакили террорчилар қурбони бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, аксарият америкаликлар Бушнинг бу қарорига норозилигини билдирди. Шу вақтгача Ироқда уч мингта яқин АҚШ ҳарбийлари ҳалок бўлган.

«Internet» хабарлари асосида Т.САИДОВ тайёрлади

Тўйхат ўрнида

Ибратли ҳаёт йўли

Устозлар азалдан эъзозланади. Айниқса, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида меҳнат қилаётган устозлар ҳурматга лойиқ. Шундай устозлардан бири Абдухалил ака ҳозир 75 ёшни қарши олаяпти.

Қирқ йилдан ортиқ туман, шаҳар ва вилоят прокурорларининг ёрдамчиси ва бўлим прокурори лавозимларида меҳнат қилган А.Саидумаров талабчанлиги, билимдонлиги ва бурчига содиқлиги билан шогирдларига ўрнак бўлган.

У кишининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча марта рағбатлантирилган.

Бугунги шодиёна кунда устозни табаррук ёши билан қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонига тинчлик ва осойишталик тилаб қоламиз.

Халқ манфаати ва Ватаннинг гуркираб яшнаши йўлида шижоат кўрсатганлар орасида Анорхон ая ҳам бор. У киши чорак асрдан ортиқ терговчи, бўлим прокурори, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратурасида прокурор ёрдамчиси, Бош прокуратурада бошқарма прокурори, Чирчиқ шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

Камтарлиги, фидойилиги билан сафдошлари орасида ҳурмат қозонди. Қимматли панд-насиҳатлари билан шогирдлари орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Анорхон аянинг меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча бор тақдирланган.

60 ёшни қаршилаётган онахонни табаррук ёши билан табриклаб, тан-сиҳатлик, оилавий фаровонлик, доимо эл назарида бўлишини тилаб қоламиз.

Адолат МУСТАФОЕВА

Мулоҳаза

Кишини ўйлантирадиган хулоса

Инсон ҳаётини меҳр ва окибатсиз тасаввур этиш қийин. Беш-олти яшар болангизнинг «Юлдузлар шунақа кичкинами?», «Қуёш каттами, ойми?», «Нимага одамлар касал бўлади?» деган саволларига жавоб берганингизда унинг кўзларига бир қаранг, сизга бўлган меҳр нурини кўрасиз. Аммо баъзи ота-оналар пул топишга андармон бўлиб, фарзанд тарбиясини ўзгалар қўлига топшириб қўйишади. Ёки фарзанди эркаланиб олдига келганида «қоч, вақтим йўқ», «бор онангга», «бор отангга» дея эътиборсиз бўлади. Болалигида меҳр олмаган фарзанддан қандай окибат кутиш мумкин?

Баъзи инсонлар фарзандни ҳаддан ортиқ эркалатишни меҳр деб тушунишар. Мана бир мисол. Бир куни кўчада яқин танишимни кўриб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг опа менга фарзандидан арз қилди: «Болалигида ҳеч кимдан кам қилмай, айтганини олиб бердик. Иқтидорли болалар таълим оладиган махсус мактабда ўқитиб, репетитор ёллаб, институтга ўқишга киргиздим. Олий маълумотли бўлган ўғлим уйланди-ю, айниди. Отаси билан мени менсимай қўяяпти. Бошқа ота-оналар ўз боласига қилмаганларини қилган эдик. Энди биз ёмон, хотини яхши эмиш...». Ўкинч билан айтилган гапларни ҳамма ўз билганича таҳлил қилади. Оқибатли бўлишнинг замирида меҳр борлигини унутмаяпмизми? Бир нарса аниқ: репетитор, тарбиячи, муаллим ва жамоатчилик ҳеч қачон ота-она меҳрини бера олмайди.

Болаликда меҳр ва тарбия олмаган фарзандлар келажакда турли жиноятларга қўл уриши мумкин. Совет даврида қаровсиз, етим қолган болаларни «Болалар уйи» деб номланган муассаса бағрига олар эди. Бугунги кунга келиб «Болалар уйи» «Меҳрибонлик уйи» деб қайта номланди. Баъзилар меҳрибонлик уйлари камайсин дейишади. Аксинча, меҳрибонлик уйларига келаётган болалар сони камайсин дейиш керак эмасми?

Бир суд мажлисида судя панжара ортида ўтирган ўсмирдан: «Нимага жиноятга қўл урдинг? Сабаби борми?» – деб сўради. У эса: «Болалигимда ота-она меҳрини олмаганман, агар отам билан онам бўлганида балки ҳозир бу ерда ўтирмаган бўлар эдим...» – дея жавоб берди. Дарҳақиқат, баъзилар отамни кўрмаганман, ота меҳрига зор бўлиб ўсганман дея армон қилади. Бошқалар эса онамни кўриш армон бўлиб қолган дея ўксинади. Дунёдаги барча яхшиликларнинг асосида бир олам меҳр мужассамдир. Меҳр инсонни ёмонликлардан қайтариб, эзгу амалларга даъват этувчи қуввдир. Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони карим ва ҳадисларда ҳам инсонлар бир бирига меҳрли бўлишга даъват этилади.

Мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган амнистия тўғрисидаги қарорлар ҳам давлатнинг тўғри йўлдан адашиб жиноят содир этган одамларга нисбатан меҳр-мурувват кўрсатаётганидан дарак беради.

Яқиндақизимнинг тиши оғриб қолди. Шифохонага олиб бордим. Узун йўлакнинг икки томонида стоматологлар хонаси жуда кўп экан. Қайси бирининг олдига киришни билмай турибман. Қизим эса тиши оғриб тургани учун йиғидан тинмасди. Бир пайт олдимга катта ёшли ҳамшира келиб, уни тезроқ шифокорга кўрсатишга ундади.

– Шифокорлар кўплиги учун қайси бирига олиб киришни билмай турибман. Кимни тавсия қиласиз? – дея маслаҳат сўрадим. Ҳамшира опа: «19-кабинетга киринг, Зоя опанинг муомаласи яхши, тажрибаси кўп, болаларга меҳрибон», – деди. Унинг айтганлари рост экан, Зоя опа қизимнинг тишини бир зумда олиб, ширин муомаласи билан уни йиғидан тўхтатди.

Шоир Абдулла Ориповнинг «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси» асарида беш донишманд ўрмонда беҳуш ётган самовий меҳмонни кўриб, турли тажрибалар ўтказишади. Уни ҳушига келтириш учун кўп ҳаракат қилишади. Аммо уддасидан чиқишолмайди. Бир пайт атрофни тозалаб юрган фаррош кампир ерда ҳушсиз ётган самовий меҳмонни кўриб қолади. Унга гиргиттон бўлиб, бошини силайди ва сув ичиради. Кампирнинг меҳрибончилиги билан самовий меҳмон ҳушига келади.

«Олимларнинг хизматлари Йўқ, бекорга кетмапти. Шунча ишни қилишипти, Фақат меҳр етмапти...».

Шоирнинг ушбу хулосаси мени доим ўйлантиради. Энг керакли пайтларда меҳримизни дариғ тутмаслик ҳар доим ҳам қўлимиздан келадими?..

Гули АБДУВАҲОБОВА

Сайрнинг ўз гашти бор

Темир йўлда ухламанг

Британиянинг Суррей графлигида яшовчи 48 ёшли Кевин Крэсвелл ухлаб қолганликда айбланмоқда. Яъни, у ухлаб қолиб ишга кечиккани ёки бошқа айби учун эмас, айнан ухлаш мумкин бўлмаган жойда ухлагани учун айбланмоқда.

Ғирт маст аҳволда уйига қайтаётган Кевин темирйўл устида озгина мизғиб олишга қарор қилган. Агар машинист буни вақтида сезиб қолмаганида у қайтиб уйғонмаслиги ҳам мумкин эди.

Ширакайф Кевинни уйғотиб темирйўлдан четга, хавфсиз жойга олгунларича серқатнов йўлдаги поездлар қатнови бир муддат тўхтатилган. Натижада эрталабдан ишга шошилган минглаб одамлар ишга кечикиб борган. Турган гапки, бу нарса ўнлаб корхоналарга оз бўлса-да, зарар етказган. Транспорт компанияси эса 8000 фунт стерлинг зарар кўрган.

Кевинни тиббий кўрикдан ўтказган врачлар унинг ҳаддан ташқари кўп шароб ичганини тасдиқлашган. Мастлик эса қилмишни енгиллаштирувчи эмас, оғирлаштирувчи ҳолат саналади. Судда иштирок этган машинист шу пайтгача бунақа бемаъни мастни кўрмаганини қайта-қайта таъкидлаган.

Турфа олам, турфа одамлар

Новча ва икки делфин

Энг новча замондошимиз ким? Кўпчилик покистонлик Муҳаммад Ханнани дунёдаги энг новча одам деб ҳисоблайди. Аммо хитойлик Бао Сишун покистонлик рақибидан бўй бобида анча ўзиб кетган. Айни пайтда унинг бўйи 2 метр-у 36 сантиметрга тенг.

Яқинда Хитойнинг Фушун шаҳри маҳаллий телевидениясиорқали намойиш этилган кўрсатувда ана шу новча одамнинг яна бир беназир имконияти намойиш этилган. У мазкур шаҳардаги истироҳат боғида жойлашган улкан аквариумдаги икки делфиннинг ҳаётини сақлаб қолган.

Маълум бўлишича, мутахассислар анчадан буён ана шу икки делфиннинг ошқозонидаги пластмассани ололмай юрганларида кимдир Бао Сишунни эслаб қолади. Чунки қулоқсиз томошабинлар улоқтирган пластмассани ўйламай ямлаган делфинларнинг ошқозонидан уларни олиб ташлашда ҳеч қандай асоб-ускуна иш бермаган эди. Бунинг учун жуда узун қўл керак бўлди. Баонинг қўлларининг узунлиги эса 106 сантиметрга тенг.

Трансляция чоғида беш-ўн киши делфинларни ушлаб, оғзини очиб турган. Бао эса уларнинг ошқозонидаги пластмассани осонлик билан олиб ташлаган.

«Синхуа» агентлиги тарқатган маълумотда айтилишича, делфинлар айни пайтда соғайиб кетган.

Икки делфиннинг ҳаётини сақлаб қолган Баонинг асил касби чўпон. У бир муддат баскетбол ўйнаган, бироқ яна қишлоғига қайтиб чорвачилик билан шуғуллана бошлаган. Тўғри, у тез-тез реклама роликларида ҳам кўринибтуради.

Туфлаганга жарима

Ҳиндистон жанубидаги Керала штатида яқиндан бошлаб антиқа қонун жорий этилди. Унга кўра жамоат жойларида, кўпчиликнинг кўз ўнгида тупуриш ва бурун қоқиш таъқиқланади. Штат маъмурияти шу йўл билан ҳаво орқали касалликлар тарқалишининг олдини олмоқчи.

Бундай чора тамаки чайновчилар учун жамоат жойларига махсус идишлар қўйиш ҳақидаги суд қарорининг давоми сифатида ишлаб чиқилди. Ҳозирча таъқиқни бузганлар учун жарима миқдори белгиланганича йўқ.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти жамоаси бўлим катта инспектори Шавкат Бўроновга онаси **Фатти БЎРОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 053. 20 784 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 24.00. 1 2 3 4 5 6 7 8